

Боқий фикр

Ютуқнинг  
калиту —  
меҳнат.

Ўзбек халқ мақоли



Kuch - bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2016-yil 3-avgust, chorshanba № 62 (8919)

## Талаба бўлиш бахти зукко ва билимдон ёшларга насиб этади



Биринчи август кuni мамлакатимиз олий таълим муассасаларида тест синовлари ўтказилди. Унда 663298 нафар абитуриент 57907 ўрин учун билимлар баҳсига киришди. Бу бир ўринга 11,4 абитуриент даъвогар дегани.

Абу Райхон Бериуний номидаги Тошкент давлат техника университетида юртимиз саноатида муҳим бўлган ўттиз саккиз йўналиш бўйича юқори малакали мутахассислар тай-

ёрланади. Бу ерда таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги узвий ҳамкорликни йўлга қўйиш, иқтидорли талабаларни долзарб илмий излашлар олиб боришга жалб

### Test — 2016

этиш, ёш олим ва тадқиқотчиларнинг илмий ишланмаларини кончилик, саноат, ишлаб чиқариш, иқтисодийнинг бошқа турли тармоқларига кенг жорий этишга жиддий эътибор қаратилаётир.

(Давоми 5-бетда.)

### Vatanimiz mustaqilligining 25 yilligi oldidan

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ўзаро алоқалар тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Мустақилликка эришганимиздан сўнг Хитой биринчилардан бўлиб, мамлакатимиз билан дипломатик муносабатлар ўрнатди. Вақт синовидан ўтган Ўзбекистон — Хитой муносабатлари 25 йил давомида барқарор ривожланмоқда. Томонлар ҳар икки давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларига дахлдор масалаларда бир-бирини қўллаб-қувватлаб, барча соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

### СУНЬ Лицзе: Ўзбекистон йигирма беш йилда асрларга тенг йўлни босиб ўтди

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида ЎзА мухбири Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси СУНЬ Лицзе билан суҳбатлашди.

— Хитой Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлайди, — дейди элчи Сунь Лицзе. — Тарихан қисқа вақтда Ўзбекистон халқи Президент Ислам Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда улкан ютуқларга эришди. Мамлакатингиз жаҳонда ўзининг муносиби ўрнини эгаллади.

(Давоми 2-,3-бетларда.)

### Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda



## Ёшларимизнинг яна бир зафари

Хар йили мактаб ва академик лицей ўқувчилари, олий ўқув юрталари талабаларидан иборат вакилларимиз халқаро фан олимпиадаларида қатнашиб, медаллар билан ортага қайтишди. Бу йил ҳам иқти-

дорли ёшларимиз анъанага содиқ қолишди ва фахрланишга арзигulik натижаларни қўлга киритишмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

## Энг намунали маслаҳатчилар аниқланди

Гулистон шахрида “Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси” кўриктанловининг мамлакат босқичи ўтказилди.



### Kuchli davlatdan — kuchli fuqarolik jamiyati sari

Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Халқ таълими вазирликлари ва Сирдарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахридан 14 маслаҳатчи иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар жараёнида давлат ва жамият ҳаётида маҳалла институтининг ролини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

(Давоми 7-бетда.)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Масалан, ўрта махсус, касб-хунар таълими босқичида таълим олаётган ўқувчилардан иборат Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари шу йилнинг 2—7 май кунлари Россиянинг Москва шаҳрида ўқувчилар ўртасида бўлиб ўтган кимё фани бўйича 50-Халқаро Менделеев олимпиадасида иштирок этиб, 1та кумуш, 2та бронза медалга сазовор бўлган эди, 2016 йилнинг

далини қўлга киритди. Эътиборлиси, улар жорий йилнинг май ойида Россияда ўтказилган кимё фани бўйича 50-Халқаро Менделеев олимпиадасида ҳам совриндорлар сафидан жой олган ва худди шундай натижа кўрсатган эди.

— Давлатимиз раҳбарининг биз ёшларга қаратаётган юксак эътибори, таълим олиш учун яратилган қулай шароит ва имкониятлар илм-фанга меҳримизни тобламоқда, халқаро мусобақа ва олимпиада-

дан ташкил этилиб, барча шарт-шароитларга эга ўқув бинолари қурилди. Кимё, физика ва биология ҳамда чет тили фанлари хоналари лаборатория жиҳозлари, замонавий мультимедиа ва компьютер воситалари билан таъминланиши, ёшларнинг етук билим олиши, илм-фанда юксак марраларни забт этишида муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейида ҳам бу

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Йигирма беш йил тарих учун жуда қисқа муддат бўлиши мумкин. Аммо, мана шу қисқа даврда Ўзбекистон асрларга тенг йўлни босиб ўтди.

Ўзбекистон истиқлол йилларида фахрланса арзиғулик улкан муваффақиятларни қўлга киритди. Ўзбекистоннинг ўз танлаган тараққиёт йўлидан оғишмай индам бораётгани ҳар қанча таҳсинга сазовордир. Мамлакатингизда турли соҳаларда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистонда иқтисодиётни диверсификация қилиш, ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш ва инфратузилмининг тақомиллаштиришга қаратилган алоҳида эътибор мамлакатингизнинг юксак суръатларда ривожланишига хизмат қилаётди.

Истиқлол йилларида Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёт суръатларини Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва машҳур беш тамойилга асосланган "Ўзбек модели"нинг нечоғли самардорлиги, тўғрилиги ва ҳаётийлиги яққол намоён этмоқда.

Бугун Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ривожланаётган санокли давлатлар сирасига қиради. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар дунёнинг турли мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ислохотлар ҳам таҳсинга лойик. Иқтисодиётда ўз вақтида изчил чоралар қабул қилган Ўзбекистон глобал инқироз таъсиридан зарар кўрмади.

Ўзбекистонда ҳар йили ялпи ички маҳсулотнинг катта қисми ўқув муассасалари барпо этиш, таълим шарт-шароитларини яхшилаш ва битирувчиларни иш билан таъминлашга йўналтирилаётгани эътиборга сазовордир. Бу таълим сифатини янада юксалтириш ва ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

— **Ўзбекистон билан Хитой ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва истиқболлари, биргаликда амалга оширилаётган лойиҳалар ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.**

— Бугун Ўзбекистон ва Хитой муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилган. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик сиёсат, иқтисодиёт, савдо, саноят, қурилиш, илм-фан, таълим, маданият ва бошқа соҳаларни қамраб олган. Хитой Ўзбекистоннинг миллий ва минтақавий хавфсизлик ҳамда барқарорлигини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини ҳамisha қўллаб-қувватлайди.

Давлатларимиз раҳбарларининг мунтазамлик касб этган учрашувларида ўзаро муносабатларни мустақамлаш ва янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашиб келинади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2015 йил сентябрь ойида Хитойга сафари, Хитой Халқ Республикаси раиси Си Цзиньпиннинг 2016 йил июнь ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилаётди.

Мамлакатларимиз Ипак йўли иқтисодий йўналишини биргаликда ташкил этишни қўллаб-қувватламоқда, муносабатларимизни изчил кенгайтириш ва амалий мазмун билан бойитишга интиломоқда, ҳамкорлигининг янги имкониятларини топмоқда, халқаро масалалар бўйича ўзаро ҳамжиҳатликни мустақамламоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми

## Ёшларимизнинг яна бир зафари

9—16 июль кунлари математика фани бўйича Гонконгда ўтказилган 57-Халқаро олимпиадада бронза медал қўлга киритилди.

Шу йилнинг 23—31 июль кунлари Тбилиси шаҳрида кимё фани бўйича ўтказилган 48-Бутунжаҳон олимпиадасидан вакилларимиз 1та кумуш, 2та бронза билан қайтишди. Мазкур интеллектуал беллашувда етмиш беш давлатдан уч юзга яқин ўқувчи қатнашди. Олимпиадада Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейи ўқувчиси Сарвар Шоюнусов кумуш, Самарқанд давлат тиббиёт институти қошидаги 1-академик лицейи ўқувчиси Жаҳонгир Фахриев ва Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицейи ўқувчиси Чарос Омонова бронза ме-

ларда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишимизга туртки бўлмоқда, — дейди Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейи ўқувчиси Сарвар Шоюнусов. — Масалан, таълим муассасамизда "Олимпиадачилар мактаби" тўғарида ташкил этилган бўлиб, шу кунга қадар турли олимпиадаларда ютуқларга эришган собиқ ўқувчиларимиз уларнинг ортидан келаётган йигит-қизларга назарий ва амалий жиҳатдан фан сирларини ўргатишмоқда.

Айтиш жоизки, бугун ўқувчиларнинг иқтидорини юксалтириш, истеъдодини рўёбга чиқаришда академик лицейларнинг ўрни беқиёс бўлаётди. Мустақиллик йилларида ушбу таълим муассасалари янги-

каби шароитлар муҳайё. Айнан кимё фани бўйича ўтказилаётган турли халқаро олимпиадаларда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган иштирокчилар орасида ушбу таълим муассасасида таълим олган ўқувчилар талайгина. Чунки, кимё фани бўйича Халқаро Менделеев олимпиадасида илк бор олтин медални қўлга киритган Анвар Мақсудхўжаев(2008 йил, 42-Халқаро Менделеев олимпиадаси) ҳам, кимё фани бўйича жаҳон олимпиадасида биринчилардан бўлиб олтин медалга сазовор бўлган Бегзод Болтаев(2013 йил, кимё фани бўйича 45-жаҳон олимпиадаси) ҳам мазкур академик лицейи ўқувчиларидир.

Аброр УМАРКУЛОВ,  
«Ma'rifat» мухбири

## Инклюзив таълим: тажриба ва муваффақиятлар

Республика болалар ижтимоий мослашуви марказида "Ўзбекистонда алоҳида эҳтиёжли болаларнинг инклюзив таълим олиши" лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишлар сарҳисобига бағишланган медиа-брифинг ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда махсус таълимга катта эътибор қаратилаётгани, имконияти чекланган болаларнинг сифатли таълим-тарбия олиши йўлида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидладилар. Жумладан, шу йил март ойида Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим, Молия, Меҳнат вазириликлари ҳамда Европа Иттифоқи ҳамкорлигида ташкил

этилган "Ўзбекистонда алоҳида эҳтиёжли болаларнинг инклюзив таълим олиши" лойиҳаси инклюзив таълимни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этгани алоҳида қайд этилди.

— Инклюзив таълим тамойилларига асосан барча болалар имкониятдан қатъий назар тенг ҳуқуққа эга, уларга таълим-тарбия олиши учун зарур шарт-шароит яратиб берилди ва қўллаб-қувватланади, — дейди

Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази директори Валида Алимова. — Мазкур лойиҳанинг амалиётга татбиқ этишдан мақсад ҳам шу аслида. Ҳозирда Тошкент, Наманган, Урганч, Термиз шаҳрида 800 нафардан ортик алоҳида эҳтиёжли ўғил-қизга таълим педидагоглар таълим-тарбия бериб, уларнинг ижтимоий ҳаётга мослашувини илғор тажрибалар асосида олиб бормоқда. Педагог кадрларни инклюзив таълимга тайёрлаш, малакасини ошириш мақсадида тўртта ўқув модули ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди. Бу саъй-ҳаракатларда лой-

иҳа раҳбари, халқаро эксперт Стефания Алишаускиененинг таърибасидан унумли фойдаландик. Алоҳида кўмакка муҳтож фарзандининг тенгдошлари қаторида таълим олаётганини кўрган ота-оналарнинг қувончини кўрсангиз эди.

Медиа-брифингга шунингдек, лойиҳа мутахассислари, ўқитувчи ва ота-оналар фикр-мулоҳаза билдириб, инклюзив таълимни янада ривожлантириш, янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш юзасида ўз тақлиф ва тавсияларини айтиб ўтишди.


Ҳасан МҰМИНОВ,  
«Ma'rifat» мухбири

## «Болажон»дан болалар мамнун

Навий кон-металлургия комбинатига қарашли «Болажон» оромгоҳида болалар таълимни кўнгилдагидек ўтказиши учун барча шароит муҳайё.

Оромгоҳда бисер тўқиш, аппликация санъати, моҳир қўллар, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик ва спорт тўғарақлари ташкил этилган. 4 мингга яқин китоб фондига эга кутубхона ишлаб турибди. Мунтазам уюштирилаётган маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари, турли танловлар навқирон авлоднинг ақл-заковатини чарқлаш ва жисмоний камолотига хизмат қилмоқда.

Сирож АСЛОНОВ (ЎЗА)  
олган суратлар.



2016-yil 3-avgust, № 62 (8919)

СУНЬ Лицзе:

## Ўзбекистон йигирма беш йилда асрларга тенг йўлни босиб ўтди

муттасил ўсмоқда. Хитойнинг Ўзбекистон иқтисодига жалб қилган инвестиция ва кредитлари ҳажми 6,5 миллиард доллардан ошди. Бугунги кунда икки томонлама ҳамкорлик муносабатлари, жумладан, юқори технологиялар соҳасида ҳам фаол ривожланиб бораётди.

Мамлакатларимиз ўзаро ҳамкорликда қатор йирик инвестициявий лойиҳаларни амалга оширмоқда. 2013 йилда юқори технологиялар сановат парки шаклида ташкил этилган "Жиззах" махсус индустриал зонаси бунга ёрқин мисолдир.

Марказий Осиё — Хитой газ қувурининг барча тўрт тармоғи Ўзбекистон ҳудудидан ўтган. Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси (СНПС) мамлакатингиздаги углеводород конларини қидириш ва қазиш ишларида фаол иштирок этмоқда. Муборак газ-кимё мажмуасида табиий газ ҳамкорликда чурқур қайта ишланмоқда.

Хитой бизнес субъектлари Дехқонбод калийли ўғитлар заводи ва Кўнғирот сода заводи қурилишида иштирок этган. "Huawei" компанияси билан ҳамкорликда Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш бўйича 20 лойиҳа амалга оширилди. Хитой давлат тараққиёт банки ва Эксим-банки кредитлари ҳисобидан солиқни сақлаш, таълим, энергетика, транспорт ва бошқа соҳаларда қирқдан зиёд лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди.

Хитой Ўзбекистонга минтақавий транспорт узели сифатида катта аҳамият қаратади ва бу борада Ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликни кенгайтириш, мамлакатларимизни янада ривожлантиришга хизмат қиладиган шароитлар яратиш учун минтақада инфратузилма соҳасида ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашдан манфаатдордир. Чунончи, шу йилнинг февраль ойида Хитой билан Марказий Осиё ўртасидаги транспорт йўлагининг янги бўғини бўлган Ангрэн — Поп электрлаштирилган темир йўли ва Қамчиқ туннели қурилиши ниҳоясига етди. Ушбу стратегия объектлар Хитой Халқ Республикаси раиси Си Цзиньпиннинг 2016 йил июнь ойида мамлакатингизга давлат ташрифи доирасида тантанали очилгани Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги кенг кўламли стратегия ҳамкорлигининг юксак самарасидир.

**— Ўзбекистон ва Хитой ўртасида маданият, таълим соҳасидаги ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз...**

— Маданият ва санъат ҳамиша халқларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилиб келган. Асрлар давомида шаклланган дўстона муносабатлар Хитой ва Ўзбекистон ўртасида яхши қўшничилик ҳамда дўстлик ришталари учун мустаҳкам асос бўлмоқда. Мамлакатларимиз ўртасида маданият, фан, таълим, туризм соҳаларидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётди. "Ўзбекистон — Хитой" ва "Хитой Халқ Республикаси ОЧ Марказий Осиё мамлакатлари" дўстлик жамиятлари бу борадаги алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Икки мамлакат олий ўқув юрталари, илмий муассаса ва корхоналари ўртасида самарали ҳамкорлик

йўлга қўйилган. Масалан, Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан Пекин почта ва телекоммуникациялар университети, Ланьчжоу технология университети ҳамда «Huawei» компанияси билан илмий-техник ҳамкорлик тўғрисида битим ва шартномалар имзоланган. Яқинда Тошкент шаҳридаги Инха университети ва "Huawei" компанияси ўзаро англашув тўғрисидаги меморандумни имзолади. "Huawei" компанияси мазкур меморандум доирасида тўрт йил давомида Тошкентдаги Инха университети бакалаврият босқичининг иқтидорли беш талабасига грант тақдим этди. Шунингдек, ҳамкорлик доирасида университет талабалари учун махсус IT-курслар, IT-лабораториялар ташкил этиш ҳамда талабаларга бизнес-лойиҳаларни амалга оширишга қўмаклашиш режалаштирилмоқда.

Хитойда ўзбек тили, Ўзбекистонда хитой тили ўргатилмоқда. Тошкент ва Самарқандда Конфуций институтлари фаолият кўрсатмоқда. Хитой миллатлар марказий университети ва Пекин хорижий тиллар университетиди ўзбек тилини ўқитиш йўлга қўйилган. Шанхай университети ҳузуридаги ШХТ Жамоат дипломатия илмий-тадқиқот институти негизида Ўзбекистон тадқиқотлари ва таълим алмашувлари маркази фаолият юритмоқда.

Хитой қадимий маданият ёдгорликлари ишлари бўйича давлат бошқармаси, Хитой ижтимоий фанлар академияси, Хитой шимоли-ғарбий университети Ўзбекистонлик ҳамкасблари билан археологик тадқиқотлар олиб бориш ва тарихий обидаларни реставрация қилиш бўйича ҳамкорликда ишламоқда, Буюк ипак йўлининг асл кўринишини қайта тиклаш устида изланишлар олиб бормоқда.

Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Ал-Хоразмий ва бошқа машҳур алломалар асарларини Хитойда яхши билишади. Яқинда хитойлик таниқли ёзувчи Лао Шэнинг «Мушуқлар шаҳри хотиралари» асари ўзбек тилига таржима қилиниб чоп этилди. Бу асар ўзбек китобхонларига Хитой адабиёти билан яқиндан танишишга ёрдам беради, деб ўйлайман.

Хитойлик санъаткорлар «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида мунтазам иштирок этиб келмоқда. 2015 йилги фестивалда бош соврин — Гран-прини Хитойнинг "Jiangsu Women's Orchestra" гуруҳи қўлга киритди.

Шу билан бирга, Тошкент ва Шанхай, Самарқанд ва Сиань шаҳрлари, Самарқанд вилояти ва Шэньси провинцияси ўртасида биродарлик муносабатлари мустаҳкамланиб бораётгани икки мамлакат ҳудудларининг тўғридан-тўғри алоқалари ривожланишига хизмат қилаётди.

**— Маълумки, шу йилнинг 23-24 июнь кунлари Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Ушбу саммит ва Ўзбекистоннинг ташкилотга раислиги ҳақидаги фикрларингизни сўзлаб берсангиз.**

— ШХТ 15 йилдан буён ўзаро ишонч ва манфаат, тенглик, маслаҳатлашув, маданиятлар ва цивилизациялар хилма-хиллигини ҳур-

мат қилиш, биргаликда ривожланишга интилишни ўзида мужассам этган «Шанхай руҳи»ни ҳаётга татбиқ этиб келмоқда. Ташкилот очқилик, бағрикенглик, ҳамкорлик ва умумий манфаат асосида янги кўринишдаги халқаро муносабатларни шакллантириш тарафдори бўлган ва шундай бўлиб келмоқда, минтақада барқарорлик ва фаровонлиқни таъминлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Хитой билан Ўзбекистон муносабатлари минтақада хавфсизлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлашда кўп қиррали алоқалардан бири бўлган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) доирасида ҳам жадал ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг ШХТга раислиги даврида ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликда амалий натижаларга эришишга улкан ҳисса қўшганини алоҳида таъкидлаш зарур. ШХТ Давлат раҳбарлари учрашувида эришилган салмоқли натижалар кўп жиҳатдан Ўзбекистоннинг ташкилотга раислиги ҳамда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида саммитга юксак савидада тайёргарлик кўрилгани самарасидир.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг Тошкентда ўтказилган мажлиси ташкилот фаолияти самарадорлигини ошириш, минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлида муҳим келишувларга эришилган саммит сифатида ШХТ тарихидан алоҳида ўрин эгаллади. Унда қабул қилинган қарорлар ШХТ маконида ўзаро ишонч, дўстлик ва яқин қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлаб, тинчлик, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

**— Ўзбекистонда 2016 йил Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилинган. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан хотин-қизлар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялаш мақсадида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам фикрларингизни билдирсангиз.**

— Ўзбекистон оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида минтақадаги етакчи мамлакатдир. Юртингизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ҳар томонлама баркамол авлодни воёга етказиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича шакллантирилган самарали механизм ҳамда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада яхшилаш йўлида изчил ислохотлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида она ва бола саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган ва халқаро стандартларга жавоб берадиган кенг кўламли ислохотлар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Ушбу йўналишдаги кенг кўламли ишлар мамлакатингизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам амалга оширилаётгани кишини қувонтиради. Бу ислохотлар самарасида оналар ва болалар ўлими сезиларли даражада камайди, аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси ошди.

Кўп тармоқли оилавий полиคลินิกлар, замонавий жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктларида Пре-

зидент Ислом Каримов ташаббуси билан бепул тиббий хизмат кўрсатиш тизимининг жорий этилгани аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканига яна бир ёрқин мисол бўла олади. Шунингдек, мамлакатингизнинг барча ҳудудларида сифат жиҳатдан янги, халқаро талабларга тўлиқ жавоб берадиган тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизimini ўз ичига олган тиббий марказлар фаолият юритаётгани ҳамда уларда барча хизматлар бепул амалга оширилаётгани таҳсинга сазовордир. Ўзбекистонда тиббиёт соҳаси мутахассислари малакасини ошириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар ҳам юксак самаралар бераётди.

**— Жорий йил 12-16 июль кунлари Тошкентда I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, мева-сабзавот ва озиқ-овқат тармоқлари салоҳияти ҳақида ҳам фикрларингизни айтиб ўтсангиз.**

— Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ва ҳар томонлама пухта ўйланган оқилона сиёсат самарасида Ўзбекистонда барча соҳа жадал ривожланмоқда. Қисқа вақт ичида мамлакатингизда ҳаётга татбиқ этилган туб ислохотлар қишлоқ хўжалигини диверсификациялаш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, уларни экспорт қилиш имконини бермоқда. Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилиш бўйича дунёда етакчи давлатлардан бирига айланди.

Серкўёш Ўзбекистон заминида етиштирилаётган мева-сабзавотлар ўзининг таъми, мазаси, табиийлиги ва хилма-хиллиги билан дунёга танилган. Шу боис хориқлик мутахассислар мамлакатингизда мева етиштириш услублари билан қизиқмоқда. Ўзбекистонда озиқ-овқат сановати корхоналарининг изчил модернизация қилинаётгани, маҳсулот турлари қўйиб, сифати яхшиланаётгани ҳам таҳсинга сазовордир. Зеро, юртингиз бозорлари азалдан тўкин-сочинлиги билан машҳур.

Хитойлик тадбиркорлар ҳам I Халқаро мева-сабзавот ярмаркасида фаол иштирок этди. Улар форум доирасида Ўзбекистоннинг мева-сабзавотчилик соҳаси билан танишиб, фермерлар билан музокаралар ўтказди. Мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштириб, қайта ишлайдиган кўлаб хўжалиқларда бўлди. Хитойнинг аксарият олим ва мутахассислари, тадбиркорлари мамлакатингиз билан ҳамкорликни кенгайтириш, қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдорлигини билдирди. Зеро, Ўзбекистон бу борада катта салоҳиятга эга мамлакат.

**— Сухбатимиз Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида ўтмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон халқига тилақларингиз.**

— Ўзбекистон халқи давлат мустақиллигининг 25 йиллигини кенг нишонлашга қизгин тайёргарлик кўрмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, халқингизни яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрами билан самимий муборакбод этаман. Ўзбекистонга фаровонлик, куч-қудрат, бахт-саодат тилайман. Осмонингиз ҳаминша мусаффо бўлсин. Зотан, тинчлик ва хотиржамлик ҳар қандай давлат тараққиотининг муҳим омилidir.

ЎЗА МУХБИРИ  
НОДИРА МАНЗУРОВА  
СУХБАТЛАШДИ.

## Yangiliklarda yurt nafasi



### ❖ Бухорода «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги: иқтисодий мустақиллик – кучли мустақил давлатнинг муҳим кўрсаткичи» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда депутатлар, банк ва солиқ идоралари раҳбарлари, мутахассислар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда Бухоро вилояти банк тизимида амалга оширилган ишлар атрофида муҳокама қилинди.

— Сўнгги ўн йилда вилоятдаги ҳўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг банклардаги депозитлари ҳажми 20 баробар ошди, — дейди Марказий банк вилоят бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари Ш.Жўраев. — Банклар кредит портфели таркибидagi сифат ўзгаришлари натижасида узоқ муддатли кредитларнинг ҳажми кредит қўйимларидagi салмоғи 79,2 фоизга етди. Бу лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш, иқтисодийётни янада ривожлантириш, янги иш ўринлари яратишда муҳим омил бўлмоқда.

Тадбирда мамлакат иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, технологик янгилаш, иқтисодий инфратузилма ва аҳоли фаровонлигини янада юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан фикр алмашилди.

### ❖ Қаршида «Тадбиркор қизнинг энг яхши лойиҳаси» танловининг Қашқадарь вилояти босқичи бўлиб ўтди.

«Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» шиори остида вилоят хотин-қизлар қўмитаси, Марказий банк вилоят бош бошқармаси, ўрта махсус, касб-хўна тарғилими, Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармалари ҳамда «Тадбиркор аёл» уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда «Сервис соҳасидаги энг яхши лойиҳа», «Қишлоқ ҳўжалигидаги энг яхши лойиҳа», «Ишлаб чиқариш соҳасидаги энг яхши лойиҳа» номинацияларида голиблар аниқланди ва улар танловнинг мамлакат босқичида иштирок этди. Бир неча тадбиркор қизга тижорат банкларидан кредит олиш имконини берувчи махсус сертификатлар топширилди.

— Пополчиллик билан беш йилдан буён шуғулланаман, — дейди «Ишлаб чиқариш соҳасидаги энг яхши лойиҳа» номинацияси голиби, Китоб туманидаги Севаз қишлоқ ҳўжалиги касб-хўна коллежи битирувчиси Умринисо Ҳамидова. — Президентимиз раҳнамолигида ёшларга кўрсатилаётган алоҳида эътибордан фойдаланиб, тадбиркорлик билан шуғулланмоқдаман. Мен ташкил этган тадбиркорлик субъектида уч нафар тенгдошим доимий иш билан банд. Буюртма асосида ишлаяпмиз. Танловга фаолиятимизни янада кенгайтириш учун бир қатор лойиҳалар тақдим этдим. Улар маъқулланди, 18 миллион 600 минг сўмлик имтиёзли банк кредити оладиган бўлдим.

### ❖ Ўрта Чирчиқ туманида «Мустақиллик — миллий тикланиш ва юксалишдир!» шиори остида ёшлар форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси марказий кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда таниқли адиблар, олимлар, rassomлар, хўнаремандлар, партия фаоллари ва ёшлар иштирок этди.

— Форум доирасида ҳудудда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, замонавий корхоналар фаолияти билан танишидик, тарихий қадимзорларни зиёрат қилдик, — дейди Ангрен шаҳар болалар мусика ва санъат мактаби ўқитувчиси Абдурахим Уролов. — У ерда олган таассуротларимиз, шаҳар ва қишлоқларимиздаги ўзгаришлардан илҳомланиб «Ватанимга дил изҳорим» номли тасвирий санъат асарини яратдик. Бошқа гуруҳдаги тенгдошларимиз ўзларининг шеърят, хўнаремандлик, ошпазлик бўйича маҳоратини намойиш қилди.

Иқтидорли ёшларнинг халқ амалий санъати ва миллий хўнаремандлик бўйича иходий кўргазмаси йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Таниқли санъаткорлар ихросидаги концерт тадбирига ўзгача файз бағишлади.

### ❖ Пойтахтимизнинг Пушкин майдонида қуёш батареяларидан қувват олувчи светодиоодлар ишга туширилди.

2015 йилда Наманган вилоятининг Поп туманида қуввати 130 киловаттга тенг қуёш фотоэлектр станцияси, умумий қуввати йилга 1200 киловаттга тенг бўлган автоном қуёш станциялари ишга туширилди. Ҳозирги вақтда Самарқанд вилоятида қуввати 100 мегаваттга тенг, Марказий Осиёдаги энг йирик қуёш станциясини қуришга тайёргарлик қўрилмоқда.

Пушкин майдонида ўрнатилган қуёш энергияси технологиялари асосидаги диодли чироқлар бунинг амалдаги ифодаларидан бири бўлди. Ушбу ёриткичлар автоматик тарзда ёниб-ўчиши билан ақралиб туради. Бу энергия ресурсларидан оқилана фойдаланиш, иссиқхона газлари эмиссиясини қисқартиришда кўл келади.

Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазасида қилиш давлат қўмитасининг «Эко-энергия» маркази томонидан жорий йилда қарий икки юзта қуёш фотоэлектр станцияси ўрнатилди. Йил якунига қадар уларни тўрт юзтага етказиш режалаштирилган. 37 таълим муассасаси, 74 қишлоқ врачлик пункти ва 294 ишлаб чиқариш корхонасига умумий қуввати 271 киловатт бўлган қуёш фотоэлектр станциялари ўрнатилди.

**УЗА** ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

## «Қорақалпоғистон» — биринчиликни эгаллади

Мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрами арафасида «Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» шиори остида ўтказилаётган «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи юқори савияда ташкил этилди.

Танлов иштирокчилари 3 та шарт бўйича ўзaro беллашди. Дастлаб замонавий ахборот технологиялари воситасида уларнинг ҳудудда амалга оширилаётган ишлари, бу борада қўлга киритаётган ютуқлари ва намунали иш тажрибалари акс этган тақдиротлари ҳақамлар ҳайъати томонидан таҳлил этилди. Тақдиротда маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, миллатларaro дўстлик ва ҳамжиҳатликини мустаҳкамлаш, ёшларни баркамол этиб тарбиялаш, миллий қадриятларни асраб-

авайлаш ва ривожлантириш, тўй-маъракалар ва маросимларни ихчам, тартибли ўтказиш, кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масаласига эътибор қаратилди.

Иккинчи ва учинчи шартларда иштирокчиларнинг ўз фаолияти бўйича қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар мазмун-моҳиятига оид биллиmlари, малакаси ва ҳаётий тажрибаси синовдан ўтказилди. Қўнгирот тумани «Қорақалпоғистон» шаҳарчаси фуқаролар йиғини биринчи

ўринга муносиб деб топилди ва танловнинг кейинги босқичига йўллангани қўлга киритди. Иккинчи ўрин Элликқала тумани «Тоза бо» МФЙ, учинчи ўрин эса Нукус шаҳри «Қутли қонис» МФЙга nasib этди.

— Танлов мен учун катта тажриба мактаби бўлди, — дейди Қўнгирот тумани «Қорақалпоғистон» шаҳарчаси фуқаролар йиғини раиси Қутли Қошимбетова. — Ҳамкасбларимизнинг иш фаолияти билан яқиндан танишидик, фикр алмашидик ва келгусидаги режаларимизни белгила олиш имкониятига эга бўлдик. Фолиблик эса менга билдирилган катта ишончдир. Ишонччи оқлашимиз керак.

**Несибели Мамбетирзаева**

## Ёш тадбиркор – юртга мададкор

Қибрай туманида «Қамолот» ЁИХ томонидан ташкил этилган «Ёш тадбиркор – юртга мададкор» лойиҳасининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда туман (шаҳар)лардан сараланган 90 нафардан зиёд ўғил-қиз иштирок этди.

Тадбир давомида ёш тадбиркорлар учун семинар-тренинг ташкил этилди. Унда Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерацияси, «Қамолот» ЁИХ Марказий кенгаши қошидаги «Бизнес клуб» ўқув маркази мутахассислари ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, ёшларга бизнес фаолиятини бошлашида зарур бўладиган тавсиялар берди.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун яратилган

имкониятлардан унумли фойдаланишимиз лозим, — дейди ўртачирчилик Шаҳзод Турғунбоев. — Юртимизда бу борада барча имконият мавжуд. «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» лойиҳаси учун тайёрлаган бизнес режамақамлар ҳайъати томонидан эътироф этилди. Лойиҳанинг республика босқичида ҳам муваффақиятли қатнашиб, ўз безнесини бошлаш учун банкдан имтиёзли кредит олоқчиман.

Уч кун давом этган тадбирда фаол иштирок этган ёш тадбиркорлар имтиёзли кредит олиш имкониятига эга бўлди. «Энг яхши бизнес лойиҳа» деб топилган ишлар муаллифлирига лойиҳанинг республика босқичида қатнашиб йўлланмаси берилди.

**Отабек Исроилов, «Қамолот» ЁИХ фаоли**

## Тоғ бағрида яйрар болажон

Зомин туманидаги «Лочин» оромгоҳи. Болалар дам олиш маскани чор-атрофида саранжом-саристалик. Гулзор завқ-шаўқ бағишлайди. Дарахларнинг қуюқ соясида ўйнаб-қувнаётган болаларни кўриб, кўнгил яйрайди.

Ўқувчилардан бир гуруҳи шахмат ўйнаётган бўлса, бошқалар стол теннис билан банд. Сал нарида копток теппаётган болаларни кўриш мумкин.

— Стол теннисига қизиқман, — дейди Нурия Тўрабекова. — Шу боис, бир неча йилдан буён теннис ўйнайман. Аввал «Умид ниқоллари», сўнг «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида қатнашиб, голиб бўлиш орсусидаман. Оромгоҳда ўтказилаётган «Қувноқ старлар» беллашувиди ўзимни катта мусобақаларга тайёрлагаман.

Матога мунчоқ қадаб ўтирган тарбияланувчилар ёнига келдик. «Моҳир қўллар» тўғараги аъзолари устози билан табиат манзарасини матога муҳрамлоқда.

— Икки йилдан буён «Моҳир қўллар» тўғараги аъзосиман. Устозларимдан миллий ва замонавий лойиҳа яратиш бўйича сабоқ олганим бу ерда кўл келаяпти. Ёш чеварлар бир-биримиздан ўрганаёпмиз, — дейди Шаҳноза Эргашева.

Энг гавжум тўғарақлардан бири тасвирий санъат тўғарағи. Ўқувчиларнинг иходий ишларини кузатиб, қишлоқ кўчалари, боғу роғлар, канал-



да чўмилаётган болалар, Ватан манзаралари акс этган турли санъат намуналарига гувоҳ бўлдик. Болаларча беғуборлик қоғозда ўз аксини топмоқда.

— Дам олиш масканимиз тоғ ёнбағрида жойлашган. Тоза ҳаво — танга даво. Қисқа муддатли бўлса ҳам, ёзги соғломлаштириш баҳаво оромгоҳда ташкил қилинаётгани учун ҳар бир бола ўзига керакли энергияни олади, — дейди тарбиячи Марат Илёсов. — Тўғарақлар мунтазам ишлаши доимий назоратда. Ўқувчилар саломатлигига тажрибали болалар шифокори Кубора Зиёдуллаева ҳамда ҳамшира Холбуви Ашурмато-

ва масъул. Тарбияланувчилар режа асосида тоғ ёнбағриларига саёҳат уюштиришмоқда. Меҳр-муҳаббатта муҳтож ўғил-қизларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жиззах шаҳридаги 29-меҳрибонлик уйининг 85 нафар тарбияланувчиси гуруҳларга бўлинган ҳолда тўғарақларга жалб этилган. Мадааний-маърифий, кўнгилочар тадбирлар бола дидига мос.

Оромгоҳ қошидаги кўчма кутубхонада ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналари бисёр. Болалар сузиш ҳавзасида мисриқчи чўмилгандан сўнг кутубхонага йўл олишади.

**А.СОДИҚОВ, «Ma'rifat» мухбири**

2016-yil 3-avgust, № 62 (8919)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Жорий йилда ўқув даргоҳимизга бакалаврият йўналишида талаба бўлиш истагида ариза топширган ёшлар 15996 нафарни ташкил этди, — дейди университет қабул комиссияси масъул котиби ўринбосари Собир Йўлдошев. — Эътиборлиси, ёшларимиз ўртасида ўқув масканининг хизмат кўрсатиш техникаси ва технологияси (18,1), машина-созлик технологияси, машина-созлик ишлаб чиқаришни жиҳозлаш ва автоматлаштириш (11,1), биотехнология (тармоқлар бўйича) (10,7), корпоратив бошқарув (12,3), ҳаво кемаларидан техник фойдаланиш (13,8), информатика ва ахборот технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналишларига қизиқиш кучайган. Университетда янги очилган интеллектуал муҳандислик тизимлари (12,2), лазер технологиялари ва оптоэлектроника (10,3) ва қўймакорлик технологиялари ҳамда мехатроника ва робототехника (9,8) таълим йўналишларига ҳам талабгорлар кўпчиликини ташкил этди. Бу, албатта, юртимизда саноат тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, барча йўналишларда илгор технологияларни жорий этиш қўламини кенгайтиргани, умуман, янги технологияларга устувор аҳамият берилётгани натижасидир.

— Информатика ва ахборот технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналишида ўқишни давом эттиришни ният қилганман, — дейди пахтачилик Наврўз Бердикулов. — Ёшлигимдан компьютер технологияларига қизиқаман. Биз, ёшларга яратилган имкониятлар юқори малакали мутахассис бўлиб етишти, инновацион янгилик ва технологияларни амалиётга таъбиқ этишга баҳоли қудрат ҳисса қўшимга кенг йўл очди.

\*\*\*

Президентимиз фармонида кўра жорий йилда ташкил этилган янги олий таълим муассасаси — Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети қабул комиссиясида 5034 нафар абитуриентдан ариза тушди. Ўқув масканининг бакалавр таълим йўналишига 300 нафар (шундан 150 нафари давлат гранти, 150 нафари тўлов-шартнома асосида) йигит-қиз ўқишга қабул қилиниши ҳисобга олинса, ўртача танлов коэффициентини бир ўринга 16,7ни ташкил этади. Олий таълим муассасаси қабул комиссияси масъул котиби Абдулҳай Собировнинг таъкидлашича, янги университетда ўқиш истагини билдирганлар кутилганидан ҳам кўп бўлди. Янги йўналиш—ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти йўналишига бир ўринга 19та ариза топширилган ёшлар ўртасида чет тилларни ўрганишга қизиқиш ошганини билдиради.

Тест синовларига киришга шайланаётган абитуриентлар билан суҳбатлашамиз.

— Она тили ва адабиётни чуқур ўрганиш ва ўқувчиларга ўргатиш энг юксак орузим,

— дейди бўкалик Азиза Сулаймонова. — Шу боис ҳужжатларимни филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) таълим йўналишига топширдим. Асосийси, она тили ва адабиёт, тарих, немис тили фанидан пухта тайёрландим. Келажакда Хўжақўрғон педагогика коллежидagi устозларим йўлидан бориб мактабда ўғил-қизларга сабоқ бериш ва улар камолини кўриш — эзгу ниятим.

Университетнинг ўзбек тили ва адабиёти йўналишида таълим олишни кўзлабган норинлик Ирода Мамиталиева, ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти бўйича етук мутахассис бўлишга чоғланган фарғоналик Бахтиёр Комилов ҳам тест синовлари-

ялар тайёрланиб, мутахассислик анжомлари билан кўргазмалари тарзда жиҳозланди. Жараёнда иштирок этган ёшлар ўзларига керакли йўналишни қатъий тарзда белгилаб олишлари осон кечди.

Айтиш жоизки, шу куни 4486 нафар абитуриент талабалик шохсупасига чиқиш учун бор иқтидорини ишга солиб, тест саволларини ечишди. Институтга 2016-2017 ўқув йилида 14 йўналишга 895 нафар (305 нафар давлат гранти, 590 нафари тўлов-контракт) талаба қабул қилинади.

— Мактабда ўқиб юрган пайларимданок темир йўл соҳасида хизмат қилиш ниятида эдим, — дейди Саидслом Расулов. — Шу мақсадда

лиятларини ҳам синовдан ўтказдик. Сабаби, келгусида инсон саломатлиги билан шуғулланадиган шифокор учун булар жуда муҳим ҳисобланади. Абитуриентларимиз 1 август санасига қадар бир неча бор муассасига таширф бўуриб синовлар ўтказиладиган аудиториялар ва қонун-қоидалар билан танишиб чиқдилар. Ташкил этилган консултацияларда ўзларини қизиқтирган барча саволларига жавоб олдилар.

Ўқув даргоҳида 1 август куни тест синовларига уюшқоқлик билан ёндашилди. Абитуриентларнинг яқинлари учун ўқув муассасаси ташқарисиди ўриндиклар ва супалар ўрнатилди. Фарзандини интиқлик билан кутаётган ота-

фарни ташкил этган эди. Охириги йиллар маълумотини таҳлил қиладиган бўлсак, абитуриентлар сони йўналишга 10—15 фоизга ўсиб борапти.

Абитуриентлар сони бўйича Андижон давлат университети республика миқёсида Термиз ва Қарши давлат университетларидан кейин 3-ўринда турибди. Ушбу олий таълим муассасасига ҳужжат топширганлар сони — 25 минг 991 нафар бўлиб, ёшларнинг аксарияти меҳнат таълими йўналишини танладилар. Бир ўринга 44,1 нафар абитуриент тўғри келди. Қишлоқ ҳўжалиги институтига — 16 минг 370, тиббиёт институтига — 5 минг 555, машина-созлик институтига — 11 минг 879, Тошкент давлат стоматология институтини Андижон филиалига 697 нафар ўғил-қиз талабалари учун даввогарлик қилмоқда. Синовлар Андижон шаҳри ва Андижон тумани таълим муассасаларининг 67та биносиди бўлиб ўтди.

Ушбу институтда жорий йилда очилган янги "Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси" ва "Ўрмончилик ва ўрмон мелиорацияси" йўналишларига ҳам кўплаб йигит-қизлар ҳўжат топширишди. Умуман, Андижон қишлоқ ҳўжалиги институтига ўтган 2015 йилдагидан 1 316 нафар кўп ёшлар ўқишга кириш учун даввогарлик қилмоқда.

\*\*\*

Хоразм вилоятида ҳам шу куни эрталабдан кўчаларда одамлар гавжум бўлди. Тест ўтказиладиган бинолар атрофида таширф бўурувчилар учун дам олиш жойлари, автомобиль тўхташ жойлари ва савдо шохобчалари ташкил қилинди. Тиббиёт ходимлари ҳам хизматга шай туришди.

Вилоятда олий маълумотли бўлишни истаган ёшлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Масалан, биргина Ургачч давлат университетида ўтган йили 17156 нафар абитуриент ҳўжат топширган бўлса, бу йил 20065 нафар талабгор ўз билиминини синовдан ўтказмоқда. Яъни, ўтган йили 1 ўринга 10 нафар даввогар тўғри келган бўлса, бу йил улар сони 11,6 га етди.

— Хива тиббиёт коллежини битирдим, — дейди Мунира Йўлдошева. — Болалигимдан ўқитувчи бўлишни орзу қилардим. Шунинг учун УРДУ табиий фанлар факультетининг экология ва атроф-муҳит муҳофазаси йўналишига ҳўжат топширдим. Биз учун бамайлихотир синовдан ўтишга қулай шароитлар яратилган. Мана, ҳоразм имтиҳон топшириб чиқдим. Тест синовига жиддий тайёрланганим боис, кўп саволларнинг тўғри жавобларини аниқ топдим, деб ўйлайман. Коллежда олган билимларим кўл келди. Тенгдoshларим орасида талабалик бaxти менга ҳам кулиб боқса ажабмас.

Курбонбой МАТКУРБОНОВ,  
Зилола МАДАТОВА,  
Орифжон СИДДИКОВ,  
Маҳмуд РАЖАБОВ,  
"Ma'rifat" мухбирлари

В.ГРАНКИН ва ЎЗА СУРАТЛАРИ.

## Талаба бўлиш бахти

зукко ва билимдон ёшларга насиб этади



га жиддий тайёргарлик кўргани, келажакда талабалик бахтига мушарраф бўлгач, аъло баҳоларга ўқиш истагида эканини айтади.

\*\*\*

1 август куни Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти ҳаяжон ичида турган абитуриентлар ва уларнинг ҳамроҳлари билан гавжум бўлди. Иссиқ об-ҳаво шароитини инобатга олган ҳолда институт худудида ҳавони суъний намлантириш тизими ўрнатилгани, тиббий ёрдам кўрсатиш хонаси ташкил этилгани, ота-оналарга ҳамда салқин ичимликлар савдоси учун қулай жой танлангани институт жамоасининг синовлар ўтказиладиган жараёнда ҳам эга бўлдим. Насиб қилса, келажакда юртимиз темир йўл соҳасида салмоқли ишларни амалга ошириш орзусидаман.

\*\*\*

Хал қилувчи дақиқалар олдидан йигит-қизлар билимларини синовдан ўтказиш ёки муस्ताҳкамлаш мақсадида бир-бирларига савол беришади. Шу пайти талаба бўлиш истагидаги ёшлар аудиторияларга тақлиф этилади.

— Юртимизда янги темир йўллар қурилаётгани, замонавий тезорар поездлар қатнов йўлга қўйилаётгани, соҳада малакали мутахассисларга талаб ошиб бораётгани ёшларни фебарқ қолдирмапти, — дейди институт қабул комиссияси раиси Маъруф Расулов. — Буни институтимизга ҳўжат топшираётган кўп сонли абитуриентлар мисолида кўришимиз мумкин. Албатта, темирйўлчи бўлман, деган йигит-қизга бирор маслаҳатчи зарур бўлади. Шу маънода бу йил ўқув даргоҳимизда абитуриентларни касбга йўналтириш масаласига катта эътибор қаратдик. Касбга йўналтириш бўйича ҳар бир факультетда махсус аудитори-

Тошкент темир йўл транспорти касб-хунар коллежиди таълим олдим. Ўтган йили талабалик бахти менга насиб қилмади. Мақсадим рўёби йўлида "Ўзбекистон темир йўллари" АЖнинг 2-йўл ҳўжалигида ишлаб бошладим. Бугунги синовли дақиқаларга қадар билимимни ошириб, ўқиш, изланишни давом эттирдим. Ўзим танлаган соҳа бўйича амалий тажрибаларга ҳам эга бўлдим. Насиб қилса, келажакда юртимиз темир йўл соҳасида салмоқли ишларни амалга ошириш орзусидаман.

оналардан айримларига савол билан юзланамиз.

— Набирам Сурайё Саидганиева Олмазор тиббиёт коллежиди ўқишни бошлаганидан буюн маҳаллаимизнинг салкам ҳамширасига айлиниб қолган, — дейди газета варақлаб ўтирган тошкентлик Ўлмас Набиева. — Кўни-кўшинларниқиди болалар, қарияларнинг аҳволи оғирлашса, укол қилиб қўйинг, қон босимини ўлчаб қўйинг, деб қақришади. Кичкиналигидан болалар шифокори бўлишни орзу қилгани учун болаларни ўқалашни ҳам кунт билан ўрганиб олди. Мактабданок физика, кимё фанларини алоҳида қизиқиш билан ўқиди. Набирам малакали, элга нафи тегадиган болалар шифокори бўлса мен энг бахтиёр бувиға айланаман.

\*\*\*

— Президентимизнинг шу йил 26 майдаги "2016/2017 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан тайёргарлик ишлари самарали олиб бориладиган тўғайли Андижон вилоятидаги бешта олий таълим муассасасида қабул жараёнлари муваффақиятли яқунланди, — дейди биз билан суҳбатда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Давлат тест марказининг вилоятдаги доимий вакили Хусниддин Алиев. — Вилоятдаги олий таълим муассасаларига 60 минг 492 нафар ёш ҳўжат топширди. Ўтган йили бу кўрсаткич 54 минг 463 на-

## Август кенгашлари oldidan

# Ўқувчи бадий асар ўқиса...

**Адабиёт — ҳаёт дарслиги, сўз санъати, инсонлар қалбида мавж ураётган туйғуларни кашф этувчи бадий сўз воситасида ҳаётни жонли ва таъсирли қилиб акс эттирувчи мўъжизавий фан. Ҳўлон табири билан айтганда "Адабиёт — ўткир юрак кирларини ювадургон тоза маърифат суви. Адабиёт яшаса миллат яшар. Ҳеч тўқимасдан ҳаракат қилуб тургон вужудимизга, танимизга сув-ҳаво нақадар зарур бўлса, машият йўлида ҳар қил қирлар ила қирланган руҳимиз учун ҳам шу қадар адабиёт керакдир".**

Шундай экан, адабиёт дарсларида ўқувчи тафаккури тўғри ривожланиши учун уни тўғри таъриф беришга, таҳлил қилишга, таққослашга, умумлаштиришга одатлантириш ўз фикрини раво, аниқ ифодалаш ва асослашга ўргатиш, мустақил равишда ҳўм, хулоса чиқариш, мулоҳаза юритишга йўналтириш керак. Фикр юритишнинг бундай шакллари уларнинг ақлий кўникма ва малакаларини ўстиради, пировардида ақлий ривожланиш амалга оширилади. Фикр кishi шаклини шаклланади.

Бунинг учун адабиёт ўқитувчиси ўқилган асар бўйича ўқувчиларга тайёр хулосалар бермаслиги керак. Ўрганилаётган бадий асарни ҳар бир ўқувчи ўз қалбидан, тафаккуридан ўзга қилиш, ўзича таъсирланиши, ўзи истаган хулосага келиши лозим. Бундай ҳолатни юзага келтириш учун ўқитувчи ижодкор, адабиёт дарслари эса бадий матнинг жозиба қудратини очишга қаратилган бўлса, дарс самарали ўтади. Масалан: 5-синф адабиёт дарсларида Ўткир Ҳошимовнинг "Дунёнинг ишлари" қиссасини ўрганишда видеоролик ҳамда сахна кўринишларидан, "Ролли ўйинлар" усулидан фойдаланиш асар мазмунини англаб


етишда катта аҳамиятга эга. Масалан: "Гилам пайпоқ" ҳикояси асосида дарс жараёнида кичик сахна кўриниши намойиш этилса, ўқувчилар ўрганганларини тасаввур қилади. Бу уларда эслаб қолиш қобилиятини кучайтиради. Шу билан бирга ўқувчиларнинг муаммага бошқача ёндашувини кўриш имконини беради. Дарс жараёнида асардаги "Илтижо" ҳикоясини ўрганишда актёрлар томонидан ижро этилган видеолархони ўқувчилар эътиборига ҳавола этиш самаралидир.

Бундан ташқари мактабимизда адабиёт фани ўқитувчилари биргаликда чоршанба кунини "Бадий асар ўқиш куни" деб белгиланганмиш. Шу куни дарсдан сўнг барча китобсевар ўқувчилар мактабнинг фаоллар залига йигилади. Ўқувчилар фикрларини бир жойга йигиб олишлари учун қизиқарли ўйинлардан бирини ташкил этаман. Ўйин якунига етгач, янги бадий асар билан ўқувчиларни таништираман. Бир ўқувчи асарни ифодали ўқийди. Қолганлар диққат билан тинглайди. 1 соатлик мутолаадан кейин асарнинг қолган қисмини 2 ҳафта ичида уйда ўқиш вазифа қилиб топширилади. Белгиланган куни дарсдан сўнг яна

фаоллар залига йигилиб, асар мазмунини таҳлил қиламиз. Таҳлил жараёнида болаларни фикр-мулоҳаза қилишга, таассуротларини лўнда қилиб баён этишга ўргатамиз ва ёзувчи асарнинг қаерида бадий таъсирий воситалардан фойдаланганини "Ким тез фикрлайди?" ўйини орқали билиб оламиз. Жараёнда, замонавий методлар ва АКТни қўлаб, "Дебатлар", "Ақлий ҳўжум", "Кластер", "Ролли ўйинлар", "Тушунчалар таҳлили", "Ду-малоқ стол" методи ва бошқа усулларга мурожаат этамиз.

Ўрганилган асар юзасидан ижодий ёзма иш ёзиш ўқувчиларнинг ёзма саводхонлигини оширади. Шунинг учун ҳар бир асарни ўқиб, тугатиб, хулосалаганимиздан сўнг "Эссе" (асар ҳақида кичик асар) методи асосида уй вазифаси топширилади. Бунда ўқувчилар асардан олган таассуротларини ёзма баён қиладилар. Шу билан бирга ишро, таассурот ёзиш, матн яратиш каби ижодий ишлар ҳам ўқувчиларнинг ижодкорлигини ва матн таҳлил қилиш малакасини оширади.

**Барно САПАЕВА,  
Сергели туманидаги 104-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси**



## Ўқитувчининг ижодкорлик қобилияти

тренинг орқали ривожлантирилади

**Ўқитувчининг ижодий тафаккури ривожланган бўлса, дарсларини ранг-баранг усулларда ўқишга интилади. Ҳар бир мавзуга алоҳида ёндашади. Шунинг учун туман ХТМФМТЭБнинг ўқувчиларни касб-ҳўнарга йўналтириш ва педагогик-психологик диагностикасини методик таъминлаш кичик гуруҳи ходимлари ҳар бир мактабда ўқитувчиларнинг ижодкорлигини оширувчи тренингларини олиб бориши мақсадга мувофиқ.**

Ижодий тафаккур — мураккаб билиш фаолияти бўлиб, ўзаро изчил боғланган жараёнлардан ташкил топади. Даставвал саволлар қўйилади, вазифа аниқланади, масалани ечиш ва саволларга жавоб қидириш жараёни вужудга келади. Агарда ўқитувчи ижодкорлигини ўстирувчи тренинглар олиб борилса, саволларга жавоб бериш, масалани ечишга ёрдам берадиган йўللар, усуллар, воситалар, қоидаларни қидириш, уларни танлаш ҳамда фаолиятига татбиқ қилиш малакаси шаклланади. Натигада ижодкор ўқитувчи универсаллиги билан бошқа ҳамкасбларидан фарқ қилади, ўши самарадор бўлиб, долзарб вазифаларни ҳам энг мақбул йўллари билан бажаради.

Маъруза, семинар, ла-

боратория машғулотлари, индивидуал сўхбатларда ҳам ижодкорликни тарбиялаш мумкин. Бирок психологик тренинглар ўқитувчига ўзини синаб кўриш, тафтиш қилиш имконини беради.

"Тренинг" сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, "машқ қилиш", "такрорлаш" маъноларини англатгани ҳолда "муаммолар ечимини топиладиган машғулот" сифатида қабул қилинади. Аслини олганда тренинг машғулотлари кishиларнинг муаммоларини ҳал қилмайди, балки шу муаммоларнинг асосини таҳлил қила олиш учун лозим бўлган кўникма ва малакаларни ҳосил қилади. Мактаб ўқитувчисининг салоҳиятини оширишга йўналтирилган тренингларда ақл-идрок кучини оширувчи машқларни

қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Жараёнда муаммолар ечимини топиш бўйича тренинг ўтказиб, иширокчилардан қуйидаги саволларга жавоб олмасиз: *Муаммага дуч келганингизда нима қиласиз? Унга рўбарў келасизми ёки четга суриб қўясизми? Битта ечим билан қиласиз? Унга рўбарў неча йўллари топишга ҳаракат қиласизми? Сиз муаммага чап беришга уринасизми ёки улар билан ҳам хотиржам дарс ўтиш мумкин деб ҳисоблайсизми?*

Бундай тарзда тренингни бошлаш ўқитувчининг фаоллиқка ундайди ва аниқ, кетма-кет, мулоҳаза юритиб, ахборотни тизимлаштириб ишлашга йўналтиради. Тренинг давомида муаммоли вазият тақдим этилиши ва унга турлича ечим топилиши, тўғрилигини текшириб кўриш педагогни излашга ўргатади. Тренер мулоҳазалардаги мантиқий занжирни назардан қочирмаслиги, иширокчиларнинг пухталиги ва бирор масалага сабр-бардос би-

лан ёндашувини ўрганиши муҳим.

Ўқитувчиларнинг креатив фикрлашини оширувчи тренинг машғулотларини эса "Агар ... бўлганда нима бўларди?" фаразий характердаги саволни беришдан бошлаш самарали кечади. Мисол учун: *Агар осмон доимо қора бўлганда, нима бўларди? Агар вақт тўхтаб қолса, нима бўларди? Агар биз олти юз йил яшасак, нима бўларди? Агар ҳазиллаш қонун билан тақиқланса, нима бўларди?*

Бу тарздаги фаразий саволлар гуруҳ ўртасида муҳокама этилганда, ўзига хос фикрловчи ўқитувчилар кўзга ташланади. Кейинги машғулотларини ана шу ўқитувчи тренерлигида ташкил этиш мумкин. Яқинлашиб келаётган август кенгашларининг шўба йигилишларида ҳам бу каби тренингларни олиб бориш мактабда соғлом муҳит қарор топиши, ижодкор ўқитувчилар сафи кенгайишига сабаб бўлади.

**Ўлмасбек  
РАҲМАТУЛЛАЕВ,  
Кўшқир туман  
ХТМФМТЭБ  
мутахассиси**

## Sinab ko'ring

**Касб-ҳўнар коллежларида дарс ўтиш усуллари дарсликда берилган мавзуларнинг тузилишига кўра танланади. Масалан, миллий истиқлол ғояси фанидан "Маънавиятимизга таҳдид — ўзлимиз ва келажакимизга таҳдид" мавзусини ўқишда "Балиқ скелети" интерактив технологиядан фойдаланиш анча қўлай. Ўқувчилар олдиндан берилган мавзуга мустақил тайёрланади. Маълумот тўплаш мақсадида АРМдаги янги адабиётлардан, интернет, журналлардан фойдаланиб, навбатдаги дарсга пухта тайёрларлик кўрган ҳолда келишади.**

## Муаммоли саволлар ўғил-қизлар билимини юксалтиради

Дарс бошланишида ўқувчиларни фаоллаштириш мақсадида «Глобаллашув қандай тушунча?», «Нима учун бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кўчга эга?», «Жаҳолатга қарши қандай йўллари билан курашмоғимиз даркор?», «Интернетдан қандай фойдаланиш мумкин?» каби муаммоли саволлар ўртага ташланади. Ўқувчилар саволларга қисқа ва аниқ жавоб беришади. Ўқитувчи уларнинг фикрини холисона баҳолаб, дарсини нима учун бу усул билан бошлаганини изоҳлайди ва кейинги босқичга қадам қўяди.

Ўқувчилар уч гуруҳ — "Балиқ жабраси" (1-гуруҳ), "Ҳў қанот" (2-гуруҳ), "Сўл қанот" (3-гуруҳ)га бўлинишади. Синф парталари "Балиқ скелети" кўринишида терилган бўлади. Балиқ тумшуги ҳисобланган 1-партада мавзуга оид материаллар, тарқатмалар, саволлар, расмлар, адабиётлар, дисклар ва бошқа керакли маълумотлар қўйилади. Икки бурчагидан то қанотларигача ўқувчилар жойлашади. Ўқитувчи мавзунини доскага ёзади ва А.Тулеповнинг "Интернетга ин қурган" ўғимчаклар" китоби бўйича тузилган саволларни тарқатади.

Ўғил-қизлар "Нима учун бу китоб айнан шу даврда нашрдан чиқди?", «Бу китобда айнан қайси салбий иллатлар тилга олинган?», «Соғлом эътиқод деганда нимани тушунасиз?», «Интернетнинг салбий ва ижобий томонларини айтга олмасизми?», «Текин пишлоқ қопқонда бўлади» иборасини изоҳланг» каби саволларга бирин-кетин жавоб беради. Мунозара давомида ҳаётий, жонли мисоллар келтиришади. Китобдан керакли маълумотларни аниқлаб олишади. Ўқувчилар фикри тинглаб бўлингандан сўнг шу масалага оид видеоларга намойиш этилади ва хулосаланади.

Дарсинг навбатдаги босқичида "Ақлий ҳўжум" усулидан фойдаланилади. Бунда ўқувчилар "Бизнинг келажакимизга таҳдид солаётган яна қандай иллатларни биласиз?" саволига жавоб топишади. Сўнгга ўқитувчи мавзуга оид "Биз қандай асрда яшаймиз?", «Одам савдосининг "замонавий" шакли деганда нималарни тушунасиз?», «Жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва маънавий тараққиётига зарба берувчи иллатларни сананг?» сингари саволларни ўқувчиларга бирин-кетин беради.

Бу саволларга жавоб топиш учун ўқувчиларга "Балиқ скелети" расми туширилган оппоқ қоғозлар тарқатилади. Улар 3 дақиқа давомида балиқ таналарига жавобларни ёзишади ва ҳар бир гуруҳ жавобларини мустақил баён этади. Ўқувчилар бу жараёнда тезлик ва топқирлигини намойён этган ҳолда ўз фикрларини исботлашади. Ўқитувчи уларнинг фикрини тўлдириб, дарсини ниҳоялайди.

**Дилфуза САФОЕВА,  
Тошкент иқтисодий коллежи  
олий тоифали тарих фани ўқитувчиси**

2016-yil 3-avgust, № 62 (8919)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бунинг самарасида хуудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, оилалар мустаҳкамлиги ва ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг роли ошиб бормоқда.

Бу борада мазкур ноёб тузилмада самарали фаолият олиб бораётган фаоллар, шу жумладан, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг муносиб ҳиссаси бор. Уларнинг сай-ҳаракати билан маҳаллаларда миллий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, аҳолининг, аввало, ёшларнинг қизиқиши ва манфаатларини муҳофаза қилиш, жойларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда маҳалланинг аҳамиятини кенгайтириш ва нуфузини оши-



ларда маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатлиқни мустаҳкамлаш, оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшларни барқамол этиб тарбиялаш, ибратли миллий-диний анъана, урф-одатларни сақлаш ҳамда ривожлантириш каби йўналишларда амалга оширган ишлари, ижобий иш тажрибалари очиб берилди. Иккинчи шартда маслаҳатчиларнинг турли масалалар юзасидан билими, дунёқараши, соҳага оид қонун ҳужжатларидан хабардорлиги синовдан ўтказилди.

Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, танловда Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги "Обод юрт" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Муқаддас Худойназарова биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ўрин Тошкент вилояти Қибрай туманидаги "Янгийул" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Раъно Эргашевага, учинчи ўрин Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги "Янги Белтепа" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Феруза Раҳматуллаевага насиб этди. Турли номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

— Президентимиз раҳнамолигида ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди танлов ғолиби М.Худойназарова. — Танлов Фаолиятимизда эътибор қаратишимиз зарур бўлган муҳим масалалар, иш услубларимиз бўйича ўзаро фикр, тажриба алмашиш имконини берди. Билмаганларимизни ўргандик, камчиларимизни аниқлаб олдик. Маҳаллаимизда қўлаб йўналишларда иш олиб бормоқдамиз. "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилганлиги, ёшлар турли ижодий ва спорт тўғаракларида кенг жалб этилганлиги, маҳаллалардаги тадбиркор ва ишбилармонлар учун кенг имкониятлар яратиш берилаётгани юксак самаралар бермоқда.

Танловнинг ғолиб ва совриндорлари ташкилотчиларнинг дипломи, фахрий ёрлик ва эсдалик совгалари билан тақдирланди.

Умуман олганда, мазкур танлов маслаҳатчиларнинг оила институтини янада мустаҳкамлаш, маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, жойларда аҳоли, аввало, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш, жамятда маҳалла институтининг ўрнини кенгайтириш, нуфузини янада ошириш бўйича ўзаро тажриба алмашиш мактаби сифатида ҳам аҳамиятли бўлди.

Тадбирда Сирдарё вилояти ҳокими О.Ашурматов сўзга чиқди.

**А. КАЙМОВ,**  
ЎЗА муҳбири

**Шерзод НАЗАРОВ (ЎЗА)**  
олган суратлар.

## Энг намунали маслаҳатчилар аниқланди

риш, соҳага оид қонун ҳужжатлари ихроси таъминланишига эришилмоқда.

Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги фармони асосида фуқаролар йиғинларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилган эди. Бугунги кунда ушбу лавозимларда катта ҳаёт тажрибасига эга, аҳолига, аввало, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш, ибратли миллий-диний анъаналар ва урф-одатларни сақлаш ва ривожлантиришда ижобий таъсир ўтказа оладиган 8 минг 700 дан ортиқ обрўли ва фаол хотин-қизлар самарали фаолият кўрсатмоқда.

Биргина шу йилнинг ўтган ойларида маҳалла маслаҳатчилари томонидан оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш натижалари асосида 123 минг 500 дан ортиқ фуқароларга тиббий ёрдам кўрсатилди, 95 мингга яқин йиғин аъзоларининг иш билан таъминланишига кўмаклашилди. Айни чоғда маҳаллаларда эрта никоҳнинг салбий оқибатлари, оилалар ажралиб кетиши ҳолатларининг олдини олиш, никоҳланувчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш бўйича 149 мингдан ортиқ тағрибот тадбирлари ташкил этилгани оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш ҳамда маҳаллаларда соғлом маънавий муҳитни қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маънавий муҳитни таъминлашда маҳалла муассасаси ҳамкорлиги доирасида таълим муассасаларида таълим-тарбия сифатини ўрганиш, ўқувчиларнинг дарс жараёнига мунтазам қатнашишини таъминлаш бўйича уларнинг ота-оналари ўртасида 65 мингга яқин тушунтириш ишлари ва учрашувлар ўтказилди.

Фуқаролар йиғинлари қошидаги "Ота-оналар университети" ота-оналарнинг

фарзанд тарбиясига доир ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва физиологик bilimларини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Мазкур жамоатчилик тузилмалари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида жами 55 мингга яқин тадбирлар ташкил этилди ва бунда маслаҳатчилар ҳам фаоллик кўрсатди.

Маънавий муҳитни кенгайтиришда ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Шу йилнинг ўтган даврида Яраштириш комиссиялари томонидан 22 мингдан ортиқ оилаларда юзага келган низоли ҳолатларга барҳам берилди. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан ҳамкор ташкилотлар кўмагида маслаҳатчилар фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида услубий-амалий кўмак кўрсатилмоқда. Сўнгги 3 йил давомида 24 номда услубий қўлланмалар тайёрланиб, маслаҳатчиларга етказиб берилди.

"Оналик ва болалиқни химоя қилиш масалалари бўйича қонун ҳужжатлари тўплами", "Маҳаллада диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия ишларини ташкил этиш бўйича услубий тавсиялар", "Тўйларимиз маърифати", "Мустаҳкам оила — маҳалла таянчи", "Эрта никоҳлар, оилавий низолаш, шу жумладан, оилавий ажралишлар ва яқин қариндошлар ўртасида никоҳ тузилишининг олдини олиш, урф-одат ва маросимларни ихчам ва тартибли ўтказиш" номли қўлланмалар шулар жумласидандир.

Маънавий муҳитни кенгайтиришда ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2013

йил 10 октябрдаги қарорига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурлида ташкил этилган фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларида барча маслаҳатчилар билим ва малакасини оширдилар.

Ана шундай эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшиб келаётган маҳалла маслаҳатчилари фаолияти юксак баҳолалиб, муносиб қадрланмоқда. Сўнгги беш йилда 78 нафар маслаҳатчи давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлангани бунинг яққол тасдиғидир.

Маънавий муҳитни кенгайтиришда ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Шу йилнинг ўтган даврида Яраштириш комиссиялари томонидан 22 мингдан ортиқ оилаларда юзага келган низоли ҳолатларга барҳам берилди. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар кўмагида ўтказилаётган "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" республика кўрик-танлови муҳим омил бўлмоқда.

Уч бошқичли тизимда ўтказилган ушбу танлов маслаҳатчилар учун ўз вазифаларини самарали амалга ошириш, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ихроси, оилаларни мустаҳкамлаш, маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ёшларни маънаван ва жисмонан барқамол этиб тарбиялаш каби йўналишлар бўйича ўзаро тажриба алмашиш учун ўзига хос мактаб вазифасини ўтамоқда.

Жорий йилнинг апрель-май ойларида бўлиб ўтган танловнинг туман, шаҳар босқичлари, июнь-июль ойларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар саралаш босқичларида 8 минг 700 дан ортиқ маслаҳат-

чи иштирок этиб, юксак билим ва тажрибаларини намойиш этди.

Маънавий муҳитни кенгайтиришда ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Шу йилнинг ўтган даврида Яраштириш комиссиялари томонидан 22 мингдан ортиқ оилаларда юзага келган низоли ҳолатларга барҳам берилди. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар кўмагида ўтказилаётган "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" республика кўрик-танлови муҳим омил бўлмоқда.

Уч бошқичли тизимда ўтказилган ушбу танлов маслаҳатчилар учун ўз вазифаларини самарали амалга ошириш, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ихроси, оилаларни мустаҳкамлаш, маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ёшларни маънаван ва жисмонан барқамол этиб тарбиялаш каби йўналишлар бўйича ўзаро тажриба алмашиш учун ўзига хос мактаб вазифасини ўтамоқда.

Жорий йилнинг апрель-май ойларида бўлиб ўтган танловнинг туман, шаҳар босқичлари, июнь-июль ойларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар саралаш босқичларида 8 минг 700 дан ортиқ маслаҳат-

чи иштирокчилари биринчи шартда ўз маҳаллаларида амалга ошираётган ишлари, эришилаётган ютуқларнинг тақдироти зомонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда намойиш этди. Тақдиротларда маслаҳатчиларнинг маҳалла-





Тошкент автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежини бу йил 1050 нафар ўқувчи муваффақиятли тамомлади. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, транспортда ташиш ва бошқаришни ташкил этиш, автомобиль йўллари, кўприклар, транспорт иншоотлари ва аэродромлар қуриш, санитария тозалаш, махсус машина ва жижҳозларни ишлатиш, ёнлиги соҳобчаларига хизмат кўрсатиш каби мутахассисликларни эгаллаган аксарият ёшлар тўрт томонлама шартнома асосида ўзлари ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган корхонага ишга жойлаштирилмоқда.

Албатта, бунда "Коллеж+корхона" ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳамкорлик доирасида ўқувчилар ўқув, ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётларини иш берувчи корхона ва ташкилотларда ўтаётди. Масалан, "Тошшаҳартрансхизмат" акциядорлик компанияси тасарруфидоғи қатор автобус саройлари, "Интер-транс сервис" ОАЖ, "Махсустрас" корхоналари, хусусий транспорт корхоналари ва фирмалари, автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлаш бошқармаси шулар жумласидандир.

— Ўқув-ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётларини ташкил этиш, битирувчиларни ишга жойлаштириш юзасидан қирқдан ортиқ корхоналар билан шартномалар тузилган, — дейди коллеж раҳбари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Жасур Қўлмухаммедов. — Мазкур шартномаларга асосан ўқувчиларимизни корхоналарнинг энг тажрибали ишчиларига "Устоз-шогирд" сифатида қаратирилганмиз. Шунингдек, ишлаб чиқариш таълими усталари ҳамда махсус фан ўқитувчиларимиз ҳам амалиёт жараён-

ўз устида тинимсиз ишлаш, педагог ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро дўстона муносабат, дарс жараёнларида ноанъанавий усуллардан кенг фойдаланиш масалалари ҳамда "Оила—маҳалла—таълим муассасаси" ҳамкорлигини кучайтиришга бағишланган давра суҳбатлари тез-тез ўтказиб турилади.

натижа кўрсатмоқда. Ўқувчилар дарсада олган назарий билимларини мазкур устахоналарда мустақамлаяпти.

Жамоанинг умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига қамраб олиш бўйича тажрибаси, умумтаълим мактаблари педагоглари, ота-оналар,



## Jarayon

мактаблари мутасаддилари билан техника соҳасига қизиқувчи ўқувчиларни қоллежга қамраб олиш режаси ишлаб чиқилгани, ўқув юртида "Очиқ эшиклар куни", "Касблар фестивали" ўтказилиб, уларда Яққасарой, Чилонзор ва Учтепа туманида жойлашган тўққизта умумтаълим мактабларининг ўқувчилари иштироки таъминланаётгани, мавжуд ўқув-лаборатория жиҳозлари, кўргазмали фотостендлар билан танишган битирувчилар коллежда мавжуд

## Ҳамкорликдаги фаолият

ларини доимий тарзда назорат қилиб, ўқувчиларнинг кўнжим ва малакалари шаклланишида юзага келадиган турли масалаларни биргаликда ҳал этишга жиддий эътибор қаратишди. Битирувчиларнинг ота-оналари ҳам фарзандларининг келажига бефарқ қарамай, иш берувчи корхоналарга ташриф буюриб, у ердаги мавжуд шарт-шароитлар билан танишмоқда.

Битирувчиларнинг коллежда кейинги фаолияти, корхона, ташкилотлардаги ишчилар учун яратилган шарт-шароит, хавфсизлик масалалари коллеж раҳбарияти эътиборидан четда қолмаган.

Бўлажак мутахассислар билим, малака ва кўнжимлари шаклланишида таълим муассасаси жамоаси ўртасидаги соғлом муҳит муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода касб-хунар масканида ўз касбига фидойилик билан ёндашиш,

Коллежда ўқув амалиёти учун устахона, чилангарлик, механик ишлов бериш, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, автомобилларни қўриқдан ўтказиш лабораторияси, амалий машғулот хоналари мавжуд. Бундан ташқари, "Тошшаҳартрансхизмат" акциядорлик компанияси тасарруфидоғи 3-автобус саройи билан тузилган шартномага биноан у ерда замон талаблари асосида автомобилларнинг тузилиши ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича махсус аудиториялар ташкил этилган бўлиб, унда билим юртининг малакали, жонқуяр ўқитувчиси Омон Каримов амалиёт дарслари ва машғулотларини ўтказиб келмоқда.

Коллежда йўл ҳаракати қоидалари ва ҳаракат хавфсизлиги устахонасидаги ўқув қўлланмалар, видео дарсликлар ва кўргазмали қуроллардан унумли фойдаланган ҳолда ўқувчиларга таълим бериш самарали



маҳалла фаоллари билан биргаликдаги фаолияти тахсинга лойиқ.

Чунончи, таълим муассасасининг педагоглари, ишлаб чиқариш таълими усталари ўқитувчиларнинг август кенгашиларида бу борадаги тажрибалари, хусусан, тўрт томонлама шартноманинг моҳияти, 2016 йилнинг бошиданқоллеж ҳудудига яқин умумтаълим

бешта мутахассислик ҳамда В ва ВС тоифадаги ҳайдовчиликка қизиқиш билдиришгани, мазкур ўқув юртида таълим олиб, касб-хунарни бўлишни истовчи ёшларимизнинг сони йилдан-йилга ортиб бораётгани тўғрисида атрафлича маълумот беришни мўлжаллаб туришибди.

Шавкат ЁҚУБОВ

## Парвозни баланд олаётган йГИТ

шижоатини кўриб, маҳалладошлари ҳам жонланиб қолишди

**Музаффар бундан 6 йил аввал Избоскан ижтимоий-иқтисодий коллежини тамомлаб, тадбиркор бўлишга аҳд қилди. «Диплом билан бизнесга» лойиҳасида иштирок этиб, банкдан 9 миллион сўм кредит маблағи олди. Тиниб-тинчимас йГИТ 5 сотих ерда иссиқхона ташкил қилиб, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйди. Бу мўъжаз жойда гулчилик ва помидор, бодринг етиштириш билан шугуллана бошлади.**

Ажойиб гулларни кўрсангиз, кўнглингиз равшан тортиб кетади. Виола, питуния, астра, шафран, кўйингки, ўзимизнинг чиннигулларгача яшаб турибди. Уларнинг турини санасангиз, 15 дан ошиб кетади. Эрта баҳордаёқ қийғос очилади. Улар ўз эгаларига етказиб берилганидан кейин помидор ва бодринг кўчатлари экилади. Бир йилда 9 миллион сўмдан ошириб, 10 миллионга етказиб даромад олди. Музаффарни кўриб, маҳалладошлари ҳам жонланиб қолишди. Ахир, қўл қовуштириб ўтирмай, ҳаракат қилса, мана, нималарга эришиш мумкин экан!

Энди тасаввур қилиб кўрайлик. Бундан 30-40 йил аввал ўрта мактабни битирган, яъни Музаффарнинг ёшидаги ўсмирлар нима қилар эдилар? Иккита йўл турарди: ё ўқишга кириш керак, ё армияга бориш керак. Агар ҳарбийга олишмаса, бу ёғи... «бекорчидан эл безор», деганларидек, кунлар ўтаверарди.

— Биз ёшларга тадбиркорлик ва ишбилармонлик йўналишида фаолият юритиши-

миз учун барча имкониятлар яратилган, — дейди Избоскан туманидаги Кўшкўприк маҳалласида истиқомат қилаётган қаҳрамонимиз Музаффар Турғунов. — Шу йўлдан бориб ҳозир республикамиздаги ўндан ортиқ фирма билан ҳамкорликни ҳам йўлга қўйишга муваффақ бўлдим. Айни пайтда коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида тикувчи-

лик цехини ишга туширялмиз. Озми-кўпми эришган муваффақиятларимда коллежда олган билимларим асқотаётганини, коллежларни тамомлаётган ёшларимизга эса ҳеч иккиланмай ўз бизнесларини бошлашларини, бунинг учун мамлакатимизда барча шароитлар яратилганлигини айтиб ўтмоқчиман.

Музаффар яқинда «Энг фаол либерал гоғлар тарғиботчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичида гоғлиб қикди. Танловда нафақат ишбилармонлик салоҳияти, балки сиёсий қарашлар, маънавий дунёсининг бойлиги, фирқалар тарзи сингари хусусиятларни ҳам намоён этди.

Мана, мустақиллик тенгдошлари деб атаётган ёшлардан бирининг рўёбга чиқараётган ишларидан лаъха. Улар фахр ва гурур билан «Парвозни баланд оладиган давр келди» деб жўшиб сўзламоқдалар. Бир-бирларига «Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?» дея боқмоқдалар. Мана шунинг ўзи Истиқлол берган неъмат. Шундай эмасми?

Орифжон СИДДИҚОВ  
"Ma'rifat" мухбири



## Ишбилармон Шаҳзода

Самарқанд вилояти Жомбой туманида яшовчи Шаҳзода Ҳамидова мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, айниқса, хотин-қизларнинг интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилаётган алоҳида эътибордан самарали фойдаланаётган ишбилармон аёллардан.

Утган йили "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказилган "Ёш тадбиркор — элга мададкор" танловининг мамлакат босқичи гоғлиби сифатида лойиҳанинг 20 миллион сўмлик имтиёзли кредити ҳисобидан тикув цехи ташкил этди. Айни пайтда бу ерда болалар кийимлари, мактаб ва коллеж ўқувчилари учун махсус формалар тикилмоқда.

Алишер ИСРОИЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

2016-yil 3-avgust, № 62 (8919)

Буюк аждодларимизнинг маънавий меросини чуқур ўрганиш, асарларида илгари сурилган эзгу ғояларни кенг тарғиб этиш, уларни замонавий илм-фан билан бойитиш инсоний бурчларимиздан. Мумтоз адабиётимизнинг улғуф вакили Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг нафис шеърляти, насрий асарларини пухта тадқиқ этиш, ғазалларидоғи маъно-моҳиятини етарлича очиб бериш бобуршуносларнинг муҳим вазифасидир. Бундан қарийб уч аср муқаддам, 1697 йили француз шарқишуноси Бартоламе Эрбало Моленли "Шарқ кутубхонаси" қомусида Бобур тўғрисида илк бор француз китобхонларига маълумот берган экан. Иллар ўтгани сайин Бобур шахси, ижодини атрофлича ўрганиш, нафақат юртимизда, балки халқаро жамоат ҳам катта қизиқни уйғотаётди, "Бобурнома"нинг хитой ва турк тилларида нашр этилгани фикримиз далилидир.

Гарчи узок вақт Бобур ижоди, шахси тадрижий ўрганилиб, турли тадқиқотлар яратилган бўлса-да, мустақилликдан кейинги бобуршунослик янги хулосалар, мукамал таҳлиллар билан аввалги излашулардан фарқ қилади. Мамакатимизда Бобур номидаги халқаро жамгарманинг ташкил этилгани, хориж олимлари билан ҳамкорликдаги самарали ишлар Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг барҳайт меросини асраш, авлодларга етказишда муҳим аҳамиятга эга. Бир сўз билан айтганда, Бобур шахси, сиймоси, унинг бетакрор ва жозибали маънавий мероси ҳар доим, ҳар қачон — мунтазам равишда ўқиб-ўрганиб, тадқиқ ва таҳлил этиб боришга муносибдир.

Зиддиятларга тўла, саргардон кечган умрлар ҳақида сўз борганда кўз ўнгимизда дунё эътирофига сазовор бўлган шох ва кўнгилларни ошуфта этган шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг сарғашта умри намён бўлади. Мумтоз қалам аҳли, буюк мутафаккирлари-

ўтди. Инсон зотига ҳаддан зиёд меҳр кўйган ва ишонган Бобур баъзи ҳолларда беҳуда умидвор бўлганни англаб етди. Бу даражада ўзганинг кўмағига, яхшилигига муге бўлиб қолиш ҳам керак эмаслигини таъкидламоқчи бўлади гўё:

## Шугён ибра келган умр

миз орасида Заҳриддин Муҳаммад Бобур шахс суваратини ва сийратини маҳорат билан тасвирлаган, шунинг баробарида, ўз руҳиятини, ички кечинмаларини, инсон ботинидаги зиддиятни ёрқин акс эттирган ижодкордир.

Бобур ҳаётидаги зиддиятларнинг кўринишлари ҳар хил. Даставвал, зиддиятлар Бобурнинг руҳиятида кечади. Туйғулар номутонаносблиги "Бобурнома"даги қайдаларда, ҳасби ҳолликка йўғрилган ҳазин мисраларда кузатилади. Бобур умри давомида зид туйғулар гирдобиди ашад ва қарама-қарши ҳислар, кўнгил туғёнлари шоирнинг ўтли сатрларида ўз ифодасини топади. Шоир сийратигаги зиддиятлар шахс руҳияти, қарашлари, қизиқишлари, эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлиб, инсоннинг мураккаб хилқат экани, шахс руҳияти изоҳлаб бўлмас даражада зид туйғуларга йўғрилганини кўрсатади.

Бобур ўзгаларга меҳр-муҳаббат кўрсатади, ўзи ҳам меҳр кўришни истади, ўзгаларга яхшилиқ тилади, кези келганда, унга ҳам яхшилиқ қилишларидан умидвор бўлади. Бошқа бир ўринда бу оламда яхшилиқнинг камёб эканлигига, ҳар ким ҳам яхшилиқ қилавермаслигига, ҳар кимдан ҳам яхшилиқ кутиш лозим эмаслигига амин бўлади.

Шунинг баробарида, барчани яхшилиқ қилишга ҳақиради, яхшилиқ билан ном қолдиришга ундайди:

**Бори элга яхшилиқ  
қилғилки, мундин яхши йўқ  
Ким дейлар даҳр аро  
қолди фалондин яхшилиқ!**

Яхшилиқ турфа рангларда бўй кўрсатади. Яхшилиқ — кишига оғир дамларда кўмак бериш, тушкун ҳолатида қўлаб-қувватлаш, мадақкор бўлиш, унинг ишончини суиистеъмол қилмаслик. Яхшилиқ борлигини эътироф этиш, инсонлигини ҳис қилиш, тафтинги олиш, йиқилганда суяш, ётганда турғазиш, бош эгилганида қадни кўтариш демонадир.

Бобур инсониятнинг энг улғу фазилати — яхшилиқка умид боғлаб

**Яхшилиқ аҳли жаҳонда  
истама Бобур киби,  
Ким кўрубдур, эй кўнгул,  
аҳли жаҳондин яхшилиқ?!**

Бобур тенгсиз иқтидор соҳиби, муайян шароитга қараб иш тутадиган, рақиб томонларнинг нималарга қодирлигини олдиндан биладиган, муайян ҳаётий тажриба, ҳарбий кўникмага ва етук саркардалиқ маҳоратига эга бўлган таникли сиёсатшунос эди. У дунёнинг яралиши, оламнинг ўткинчилиги, бу дунёда эзгу ишлар қилиш кераклиги ҳақида мулоҳаза юритгани ҳолда инсонни ҳаракатга, ўз тақдирини ўзи яратишига ундаган тadbиркор, эҳтиёткор, узокни кўра оладиган, мулоҳазакор донишманд бўлган. Кези келганда, барча воқелик Тангри таолонинг инояти билан юз беришини таъкидлаб, воқеликни шунчаки баён этувчига айланади:

**Неким тақдир бўлса,  
ул бўлур таҳқиқи билгайсиз,  
Эрур жангу жадал барча  
беҳуда.**

Бобур зафарли онларида «Тангри таолонинг инояти билан Ҳиндистондек васеъ мамлакат бизга мусаххар бўлди» дея мамнун туйғуларини изҳор қилади ва ўрни келганда бу воқеани, "Ҳиндистонга юзланмиш"ни "бу не юз қаролик" деб ёзғиради.

Бобур умридаги зиддиятлардан яна бири шахс билан шахс ўртасидаги зиддиятдир. Бобур ўзи билган шахсларга таянади, уларга меҳр кўрсатади, аммо акс жавоб олади. Атрофидагилар, яқинлари унга хиёнат қиладилар. Ўзи ишонган бекларнинг Бобур ҳада этган қурол билан унга ҳамла қилишлари, тарбиятидан баҳраманд бўлиб, ноқўрларча иш тутишлари шоир ҳаёти билан боғлиқ шахслар ўртасидаги зиддият моҳиятини акс эттиради.

Инсоний муносабатларни қадрлаган Бобур одамларнинг бир-бирига ҳайвонларча муносабатини қоралаган, ваҳшийлардан, ёвузлардан нафратланган бўлса, ҳарбий юришларда душманларини ўлдиришга, уларни жазолашни бую-

ришга мажбур эди. Бобур ҳалолликни тарғиб этади, бировнинг ҳақидан ҳазар қилади. Ўзгалар ҳақида хиёнатдан йироқ отаси Умаршайх мирзонинг ақидасига амал қилиб, ибратли ҳаётдан намуналарни фахр билан қайд этган. Бобур ватанини севган, тупроғини, гулу гиёҳини, ҳар бир гўшасини ёд билган эрса-да, шафқатсиз фалак ўзи туғилиб ўсган юртни ташлаб чиқишга уни мажбур этди. У ўз даврининг фарзанди эди, ўзи мансуб бўлган табақа дунёқарошига, мулоҳазаларига эга эди, шунинг баробарида, кўп бора бу қарашларга тамоман зид туйғулар гирдобиди қолар эди. Бобурнинг қалби нозик, табиъ назмга эга эди, шу билан бирга, у кескин, қатъий ҳукмбардор шох ҳам эди.

Бобурнинг умри силлиқ кечмади. Унинг умри бўҳронлардан, туғёнлардан иборат шоир умридир, галаён, саросарликда кечган шох умридир, гоҳо унсиз оққан, тақдирга тан берган сокин кўнгил соҳибининг ҳаёт тарзидир.

Бобур кўнгил гоҳида хилватни, ёлғизликни тусайди. Дашту даладарда саросар танҳо кезганини ёзади шоир. Аммо баъзан хилват-

## Хазина

БОБУР

## Ғазаллар

Кўрмагай эрдим жамоли оламо,  
кошки,  
Бўлмагай эрдим бори оламга расво,  
кошки.

Ишқ боғининг ниҳоли — ғам, бари —  
ҳирмон эмиш,  
Қилмагай эрдим бу гулишани тамошо,  
кошки.

Қилмагай эрди кўнгул ишқин ҳавас, бал,  
тилға ҳам  
Кечмагай эрди анингдек лафз асло,  
кошки.

Қоши ёлар кўйида умри шариф этгунча  
сарф,  
Қилгай эрдим масжиду меҳроб аро жо,  
кошки.

Ихтиёр эт ўзга иш, Бобурки, ҳосил  
бўлмагай  
Ишқу васлу айш ила ишратни илло,  
кошки.

\*\*\*

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,  
Кўнгулдин ўзга маҳрами асрор  
топмадим.

Жонимдек ўзга жонни дилафгор  
кўрмадим,  
Кўнгулим киби кўнгулни гирифтор  
топмадим.

Усрук кўзига токи кўнгул бўлди мубтало,  
Ҳаргиз бу телбани яна хушёр топмадим.

Ночор фурқати бала хўй этмишам,  
нетай,  
Чун васлига ўзумни сазовор топмадим.

Боре бораёй эшигиза бу навбат,  
эй кўнгул,  
Нечаки бориб эшигиза бор топмадим.

Бобур, ўзунгни ўргатакўр ёрсизки, мен  
Истаб жаҳонни, мунча қилиб,  
ёр топмадим.

\*\*\*

Неча ҳусн аҳлидин, маҳзун кўнгул,  
озор топқайсен?  
Неча гулмехралардин бағринг ичра хор  
топқайсен?

Неча ишқу фироқу раҳмсиз ағёр илгиндин  
Ўзунгни хору жонни зору кўз хунбор  
топқайсен?

Неча мақдур боричча анинг роичча  
боргайсен?  
Неча боргон сойи ўзунгни бемикдор  
топқайсен?

Танимга нечаким наззора қилсанг,  
доғ кўргайсен,  
Кўнгулда ҳар нечаким истасанг,  
озор топқайсен.

Бу маҳвашларга кўнгулун бермағилким,  
асрай олмаслар,  
Кўнгулни асрағил, бўлгайки,  
бир дилдор топқайсен.

## ЛУФАТ

**Оламо** — олам безаги; **бар** — ҳосил, самара; **ҳирмон** — маҳрумлик, бенасиблик; **бал** — балки; **лафз** — сўз; **шариф** — азиз; **илло** — ўзга, бошқа; **гирифтор** — маҳлиё, асир; **усрук** — маст, хумор(кўз); **хўй** — одат, кўникмоқ; **боре** — яна бир маротаба; **бор** — қабул. **Масалан**, «дарбор» — қабулхонани англади; **хусн аҳли** — сулувлар, гўзаллар; **хор** — тикан, озор; **хор** — хўр; **хунбор** — қонсочар; **мақдур** — мадор; **сойи** — сайин; **бемикдор** — эътиборсиз, назардан қолган; **наззора қилсанг** — назар ташласанг.

**Зулхумор ХОЛМАНОВА,**  
**ЎЗМУ профессорси,**  
**филология фанлари доктори**

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим  
ТОЖИК тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари учун 2016-2017 ўқув йилида  
фойдаланишга тавсия этиладиган дарслик ва ўқув қўлланмалар  
РЎЙХАТИ

T/p	Дарслик ва ўқув қўлланма номи	Муаллиф	Нашр этилган йили	Таъминланиш ҳолати	T/p	Дарслик ва ўқув қўлланма номи	Муаллиф	Нашр этилган йили	Таъминланиш ҳолати
<b>1-синф</b>									
1	Алифбе (Алифбо)	С. Хўжакулов ва б.	2016	Бепул	10	Информатика	Д.Камолитдинова	2016	Ижара
2	Ёзув дафтари	Ж. Эшонкулов	2016	Бепул	11	Ботаника	Ў.Пратов ва б.	2015	Ижара
3	Она тили (Забони модари)	Т.Чориев	2016	Бепул	12	География (Табий география бошланғич курси)	П.Фуломов ва б.	2015	Ижара
4	Ўқиш китоби (Китоби хониш)	З.Тоҳирӣён ва б.	2016	Бепул	13	Ватан туйғуси	Х.Султонов ва б.	2015	Ижара
5	Математика	М.Аҳмедов ва б.	2016	Бепул	14	Музыка	А.Мансуров ва б.	2015	Ижара
6	Математика дафтари	М.Жумаев ва б.	2016	Бепул	15	Меҳнат таълими	Ш.Шарилов ва б.	2015	Ижара
7	Атрофимиздаги олам	М.Аҳмедова ва б.	2016	Бепул	16	Тасвирий санъат	Т.Қўзиёев ва б.	2015	Ижара
8	Одобнома	О.Ҳасанбоева	2016	Бепул	<b>6-синф</b>				
9	Тасвирий санъат	Р.Ҳасанов	2016	Бепул	1	Ўзбек тили	Х.Муҳиддинова ва б.	2013	Ижара
10	Музыка	Х.Нурматов ва б.	2016	Бепул	2	Тоҷик тили (Забони нуқтаи)	М.Қабиров ва б.	2013	Ижара
11	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2016	Бепул	3	Адабиёт (Адабиёт)	С.Саъдиев ва б.	2013	Ижара
12	Инглиз тили "Kids' English-1"	М.Ирискулов ва б.	2016	Бепул	4	Русский язык	Г.Гасилова	2013	Ижара
13	Немис тили "Deutsch mit spaß-1"	М.Дадаходжаева ва б.	2016	Бепул	5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2013	Бепул
14	Француз тили "Hirondelle-1"	С.Раҳмонов ва б.	2016	Бепул	6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суҳанова ва б.	2013	Бепул
15	Меҳнат таълими	И.Маннопова ва б.	2016	Бепул	7	Француз тили «Voyage en France»	З.Абдушўкурова ва б.	2013	Бепул
<b>2-синф</b>					8	Тарих	А.Саъдуллаев ва б.	2013	Ижара
1	Ўзбек тили	А. Рафиев ва б.	2016	Ижара	9	Математика	М.Мирзааҳмедов ва б.	2013	Ижара
2	Она тили (Забони модари)	Т.Чориев	2016	Ижара	10	Физика	Н.Турдиев	2013	Ижара
3	Ўқиш китоби (Китоби хониш)	Ж. Эшонкулов	2016	Ижара	11	Ботаника	Ў.Пратов ва б.	2013	Ижара
4	Русский язык	З.Абдуринова ва б.	2016	Ижара	12	География	А.Соатов ва б.	2013	Ижара
5	Математика	Н.Абдураҳмонова ва б.	2016	Ижара	13	Ватан туйғуси	Х.Султонов ва б.	2015	Ижара
6	Атрофимиздаги олам	П.Фуломов ва б.	2016	Ижара	14	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2013	Ижара
7	Одобнома	О.Ҳасанбоева ва б.	2016	Ижара	<b>7-синф</b>				
8	Музыка	Х.Нурматов ва б.	2016	Ижара	1	Ўзбек тили	Х.Муҳиддинова ва б.	2013	Ижара
9	Тасвирий санъат	М.Исоқова ва б.	2016	Ижара	2	Тоҷик тили (Забони нуқтаи)	А.Воҳидов ва б.	2013	Ижара
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2016	Ижара	3	Адабиёт (Адабиёт)	З.Тоҳирӣён ва б.	2013	Ижара
11	Инглиз тили "Kids' English-2"	С.Хан ва б.	2016	Бепул	4	Русский язык	С.Исламбекова ва б.	2013	Ижара
12	Инглиз тили машқ дафтари "Activities book-2"	С.Хан ва б.	2016	Бепул	5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Цой ва б.	2013	Бепул
13	Немис тили "Deutsch mit spaß-2"	М.Дадаходжаева ва б.	2016	Бепул	6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суҳанова ва б.	2013	Бепул
14	Немис тили машқ дафтари "Arbeitsheft-2"	М.Дадаходжаева ва б.	2016	Бепул	7	Француз тили «Bon voyage»	В.Бухин ва б.	2013	Бепул
15	Француз тили "Hirondelle-2"	С.Раҳмонов ва б.	2016	Бепул	8	Ўзбекистон тарихи	А.Мухаммаджонов	2013	Ижара
16	Француз тили машқ дафтари "Cahier d' exercices-2"	С.Раҳмонов ва б.	2016	Бепул	9	Жаҳон тарихи	Т.Салимов ва б.	2013	Ижара
17	Меҳнат таълими	Х.Санакулов ва б.	2016	Ижара	10	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2013	Ижара
<b>3-синф</b>					11	Геометрия	А.Азамов ва б.	2013	Ижара
1	Ўзбек тили	А. Рафиев ва б.	2016	Ижара	12	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2013	Ижара
2	Она тили (Забони модари)	Т.Чориев	2016	Ижара	13	Кимё	И.Аскарлов ва б.	2013	Ижара
3	Ўқиш китоби (Китоби хониш)	Ю.Азимов	2016	Ижара	14	Зоология	О.Мавлонов	2013	Ижара
4	Русский язык	Н.Сергеева ва б.	2016	Ижара	15	География	П.Фуломов ва б.	2013	Ижара
5	Математика	С.Бурҳонов ва б.	2016	Ижара	16	Миллий истиқлол ғояси ва маънавий асослари	М.Қаршибоев ва б.	2015	Ижара
6	Табиятшунослик	А.Баҳромов ва б.	2016	Ижара	17	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2013	Ижара
7	Одобнома	М.Холиқова ва б.	2016	Ижара	<b>8-синф</b>				
8	Тасвирий санъат	М.Исоқова ва б.	2016	Ижара	1	Ўзбек тили	Х.Муҳиддинова ва б.	2014	Ижара
9	Музыка	Х.Нурматов ва б.	2016	Ижара	2	Тоҷик тили (Забони нуқтаи)	Т.Чориев ва б.	2014	Ижара
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2016	Ижара	3	Адабиёт (Адабиёт)	А.Қамарзода ва б.	2014	Ижара
11	Инглиз тили "Kids' English-3"	С.Хан ва б.	2015	Бепул	4	Русский язык	М.Рожнова ва б.	2014	Ижара
12	Инглиз тили машқ дафтари "Activities book-3"	С.Хан ва б.	2016	Бепул	5	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	2014	Бепул
13	Немис тили "Deutsch mit spaß-3"	М.Дадаходжаева ва б.	2015	Бепул	6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суҳанова ва б.	2014	Бепул
14	Немис тили машқ дафтари "Arbeitsheft-3"	М.Дадаходжаева ва б.	2016	Бепул	7	Француз тили «Le nouveau voyage en France»	З. Абдушўкурова ва б.	2014	Бепул
15	Француз тили "Hirondelle-3"	С.Раҳмонов ва б.	2015	Бепул	8	Ўзбекистон тарихи	Қ.Усмонов ва б.	2014	Ижара
16	Француз тили машқ дафтари "Cahier d' exercices-3"	С.Раҳмонов ва б.	2016	Бепул	9	Жаҳон тарихи	У.Жўраев ва б.	2014	Ижара
17	Меҳнат таълими	Х.Санакулов ва б.	2016	Ижара	10	Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари	О.Каримова ва б.	2014	Ижара
<b>4-синф</b>					11	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариқов ва б.	2014	Ижара
1	Ўзбек тили	А. Рафиев ва б.	2015	Ижара	12	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2014	Ижара
2	Она тили (Забони модари)	Т.Чориев	2015	Ижара	13	Геометрия	А.Раҳимқориев	2014	Ижара
3	Ўқиш китоби (Китоби хониш)	Ж. Эшонкулов	2015	Ижара	14	Миллий истиқлол ғояси ва маънавий асослари	Р.Қўчқор ва б.	2015	Ижара
4	Русский язык	М.Каримова ва б.	2016	Ижара	15	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2014	Ижара
5	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2015	Ижара	16	Кимё	И.Аскарлов ва б.	2014	Ижара
6	Табиятшунослик	А.Баҳромов ва б.	2015	Ижара	17	Одам ва унинг саломатлиги	Б.Аминов ва б.	2014	Ижара
7	Одобнома	М.Холиқова ва б.	2015	Ижара	18	География	П.Мусаев ва б.	2014	Ижара
8	Музыка	О.Иброҳимов ва б.	2015	Ижара	19	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2015	Ижара
9	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2015	Ижара	20	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2014	Ижара
10	Меҳнат таълими	И.Маннопова ва б.	2015	Ижара	<b>9-синф</b>				
11	Тасвирий санъат	А.Сулaimонов ва б.	2015	Ижара	1	Ўзбек тили	А. Рафиев ва б.	2014	Ижара
12	Инглиз тили "Kids' English-4"	С.Хан ва б.	2016	Бепул	2	Тоҷик тили (Забони нуқтаи)	М.Қабиров ва б.	2014	Ижара
13	Инглиз тили машқ дафтари "Activities book-4"	С.Хан ва б.	2016	Бепул	3	Адабиёт (Адабиёт)	Ж.Ҳамроев	2014	Ижара
14	Немис тили "Deutsch mit spaß-4"	М.Дадаходжаева ва б.	2016	Бепул	4	Русский язык	Р.Усмонова ва б.	2014	Ижара
15	Немис тили машқ дафтари "Arbeitsheft-4"	М.Дадаходжаева ва б.	2016	Бепул	5	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	2014	Бепул
16	Француз тили "Hirondelle-4"	С.Раҳмонов ва б.	2016	Бепул	6	Немис тили «Deutsch»	М.Дадаходжаева ва б.	2014	Бепул
17	Француз тили машқ дафтари "Cahier d' exercices-4"	С.Раҳмонов ва б.	2016	Бепул	7	Француз тили «D'un Etat a l'autre»	С.Раҳмонов ва б.	2014	Бепул
<b>5-синф</b>					8	Ўзбекистон тарихи	С.Тиллабоев ва б.	2014	Ижара
1	Ўзбек тили	А. Рафиев ва б.	2015	Ижара	9	Жаҳон тарихи	М.Лафасов ва б.	2014	Ижара
2	Тоҷик тили (Забони нуқтаи)	Т.Чориев	2015	Ижара	10	Конституциявий ҳуқуқ асослари	В.Костецкий ва б.	2014	Ижара
3	Адабиёт (Адабиёт)	Ю.Азимов ва б.	2015	Ижара	11	Миллий истиқлол ғояси ва маънавий асослари	О.Мусурмонова ва б.	2015	Ижара
4	Русский язык	Ю.Мусурмонова	2016	Ижара	12	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариқов ва б.	2014	Ижара
5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2015	Бепул	13	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2014	Ижара
6	Француз тили "Bonjour la France"	А.Носиров ва б.	2015	Бепул	14	Геометрия	Б.Ҳайдаров ва б.	2014	Ижара
7	Немис тили «Deutsch»	М.Қўймова ва б.	2015	Бепул	15	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2014	Ижара
8	Тарихдан ҳикоялар	У.Жўраев ва б.	2015	Ижара	16	Кимё	И.Аскарлов ва б.	2014	Ижара
9	Математика	Б.Ҳайдаров	2015	Ижара	17	Биология. Цитология ва генетика асослари	А.Зиқриев ва б.	2014	Ижара
					18	Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси	А.Қаюмов ва б.	2014	Ижара
					19	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2015	Ижара
					20	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2014	Ижара

2016-yil 3-avgust, № 62 (8919)

## Уйқусизлик мия ҳужайраларини зарарлайди

**Уйқуга тўймаслик туфайли инсоннинг бош миёсида жиддий ўзгаришлар кечиши аниқланди. Хитойлик мутахассислар мазкур ҳолат натижасида миёдаги нейронларга зарар етиши ва киши депрессия ҳолатига тушишга мойил бўлишини таъкидламоқда, деб ёзади "МедВести".**




Тадқиқот ўтказиш учун иккита гуруҳга кўнгиллилар жалб этилди. Биринчи гуруҳга сурункали уйқусизликдан азият чекаётган 23 нафар, иккинчи гуруҳга эса уйқу борасида ҳеч қандай шикоят бўлмаган 20 нафар иштирокчи киритилди. Олимлар уларнинг бош миёсини таҳлил қилувдан ўтказиб, натижаларини таҳлил қилиб чиқди. Шунингдек, тадқиқотга руҳшунослар ҳам жалб этилиб, улар қатнашчиларнинг тўлдирган тест натижаларига қараб айни вақтдаги кайфиятини ўрганди. Маълум бўлишича, сурункали уйқусизлик бош миёнинг диққат, эътибор ва тезкор таъсирланиш ҳудуди, яъни таламус ҳужайралари орасидаги алоқа зарар етказди.

Мазкур жараён натижасида юзага келувчи ҳолатни қайта тиклаб бўлмаслиги ёки узоқ вақтдан сўнг ўз ҳолига қайтиши мумкин. Шу сабаб мутахассислар уйқусизликдан азият чекаётган инсонларга шифокор кўригидан ўтишни тавсия қилмоқда. Бунда тунги уйқунинг давомийлиги 7—9 соат бўлишига эътибор бериш керак.

## Тана ҳароратини 2 сонияда аниқловчи термометр

**"Withings" компанияси тана ҳароратини аниқ ва тезкор аниқлаб берувчи термометрни кенг оммага намойиш қилди. "Thermo" юз чаккаси артерияси орқали ҳароратни ўлчайди, деб ёзади "TechTimes".**

Қурилмага 16та инфракизил сенсорлар ўрнатилган бўлиб, улар 2 сонияда тўрт мингта ўлчаш ишларини амалга оширади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бундай термометрлар анъанавий мосламаларга нисбатан мукаммал аниқлайди. Натижалар эса қурилма экрани орқали фойдаланувчига кўрсатилади ва уни "Bluetooth" ёрдамида телефон хотирасига юклаб олиш мумкин. Ҳароратни яшил,



сарик ва қизил рангларда даражабанд кўрсатувчи светодиодлар эса беморнинг аҳолининг экранда билдириб туради. Қурилма имкониятларидан келиб чиққан ҳолда натижалар шифокорга масофадан туриб жўнатилиб, керакли тавсиялар олинади. Қурилма ҳар бир оила аъзосига тегишли бўлган маълумотларни алоҳида сақлайди. Бундан ташқари, термометр орқали касаллик аломатлари ва уни даволаш чора-тадбирлари ҳақидаги маълумотларни қабул қилиш мумкин.

У узоқ муддат хизмат қилиши кафолатланган батареякалар ёрдамида ишлайди. Термометрнинг жаҳон стандартларига жавоб бериши бир қатор ташкилотлар томонидан тасдиқланган. Қурилма Бостондаги болалар шифохонасида синовдан муваффақиятли ўтказилган.

## Бадий адабиёт ички ҳиссиётларни бойитади

**Бадий адабиёт шахснинг ички фазилатларини ривожлантиради. Бундай китоблар, айниқса, ҳамдардлик, яқин инсоннинг кўнглидан ўтаётган кечинмаларни аниқлашга ёрдам беради.**

"The Indian Express" нашрида келтирилишича, Торонто университети олимлари тасаввур имкониятла-



ри ва ижод маҳоратини бойитиш мақсадида бадий адабиётларни ўқиш яхши самара беришини таъкидламоқда. Воқеалар ривож ва кишини ўйлашга мажбур қилувчи образлар инсон дунёқарашини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Бунда асарнинг охири қандай тугашини таҳмин қилиш, ижобий ва салбий ҳақрамонларга баҳо бериш, воқеалар кескинлашганда айрим образларни руҳан қўллаб-қувватлаш ўқувчида ижобий фазилатларни шакллантиради.



Мутахассисларнинг таъкидлашича, фантазия ишга тушганда инсон миёсидаги гиппокамп фаоллашади. Миёдаги мазкур ҳудуд билим олиш ва маълумотларни ёдда сақлашга хизмат қилади. Шунингдек, бирор маъно акс этган суратлар ва таъсирчан фильмларни томоша қилиш ҳам руҳиятни бойитишга ёрдам беради.

## Миллионлаб рангларни ажрата олувчи аёл

**Британиялик олимлар кўзининг тўр пардасида миллионлаб рангларни ажрата олувчи, яъни кучли нур сезувчи ҳужайралар мавжуд бўлган аёлни текширувдан ўтказди, деб хабар беради "ScienceAlert".**

Кўзида учта эмас, тўртта нур ўтказувчи ҳужайралар мавжуд бўлган инсонлар тетра, яъни тўртхроматлар деб аталади. Бундай хусусиятли инсонларнинг мавжудлиги эса ўтган асрнинг ўрталарида рангларни фарқлай олмаслик борасида тадқиқот ўтказётган олимлар томонидан аниқланган. Янги методик усул билан тетрахромат инсонни аниқлашни мақсад қилган Габриэль Жордан эса 25 йил давомида тадқиқот ўтказиб, кўнгиллилар орасидан ўзи излаган кўз соҳибасини топди.




Олимларнинг таъкидлашича, дунёда бундай хусусиятли инсонларни кўплаб учратиш мумкин. Бироқ ўзидан нур тарқатувчи технологиялар сабаб учхроматик кўриш қобилиятига эга инсонлар ҳам рангларни яхши ажратиш кўникмасига эга бўлиб бормоқда.

## Нанозаррачалар яратган мўъжиза

**Лондондаги Мария институти олимлари комплекс изланишлар олиб бориб, борлиққа кўринмас ҳолатда намойён бўлувчи объектни яратди.**

Ноодатий тадқиқотнинг муваффақиятли яқунлангани борасидаги мақола "ScienceDaily" журналида эълон қилинди. Нанотехнологик заррачалар ёрдамида амалга оширилган изланишлар натижасида кўринмас ҳолатга ўтиш имконига эга бўлган объект яратилди. Кўзилгачмас, жуда кичик заррачаларни аниқлаш мақсадида мазкур йўналишда изланиш олиб бораётган кўплаб тадқиқотчилар жалб қилинди. Олимларнинг таъкидлашича, мазкур ихтиро илгари олиб борилган ва муваффақиятсиз яқунланган лойиҳалардан кўра анча мукамал.



Бугунга қадар нур ёрдамида амалга оширилган тадқиқотларнинг аксарияти синов тариқасида тақдим этилган бўлиб, омма қизиқишини уйғотмаган. Мазкур ихтиро эса кенг миқёсда расмий равишда эълон қилинди, бироқ унинг қандай технология ёрдамида яратилгани ҳозирча сир тутилмоқда.

Ҳамида УСМОНОВА тайёрлади.



**АҚШ фуқаро авиацияси федерал бошқармасининг маълумотида асосланиб, "Reuters" агентлигининг беран хабарига кўра, Техас пойтахти Остин шаҳрида ҳаво кemasининг ҳолатига учраши оқибатида 16 киши ҳаётдан кўз юмган.**

**"Новости" ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, Ҳиндистоннинг Уррсса штати, хусусан, Бхадрак ва Баласор округларида чақмоқ уриши оқибатида 30га яқин киши ҳаётдан кўз юмган, 36 киши жиддий жароҳат олган.**

**"ТАСС"нинг маълум қилишича, Боливиyanинг диққатга сазовор жойларини айлланиб юрган сайёҳлар гуруҳини олиб кетаётган автоуловнинг Уюни шаҳри яқинида йўл-транспорт ҳодисасига учраши оқибатида 5 киши қурбон бўлган, 3 нафар йўловчи жабрланган, тезликни ошириб фалокатга сабабчи бўлган ҳайдовчи ҳибсга олинган.**

**Мисрнинг аҳоли масалалари бўйича миллий кенгаши мутахассисларининг таъкидлашича, мамлакатда туғилишнинг умумий коэффициенти 35 фоизга ошгани сабаб айни вақтда 90 миллионга етган аҳоли 2030 йилга бориб 140 миллионга етиши мумкин, дея маълум қилди "Associated Press".**

**Тинч океанининг "Нуда" тўфони Гонконгдаги ёпирилиши оқибатида шаҳардаги мактаб, давлат муассасалари, банк ва офислар ўз фаолиятини тўхтатган, Чек Лап Кок халқаро аэропортида 156та, Гонгконгдаги халқаро аэропортида 120га яқин рейс бекор қилинган, деб хабар беради "ТАСС".**

**"ABC" телеканали орқали маълум қилинишича, Мексикадаги Попокатепетл вулқонининг фаоллашуви сабаб табиий офатдан 50 км узоқликда жойлашган мамлакат пойтахти Мехико осмонни, айниқса, шаҳарнинг жануби туман билан қопланди, маҳаллий аҳоли эса нафас олиш қийинлашгани боис кўчага махсус ниқобларда чиқмоқда.**

**"Ma'rifat" — "Учитель Узбекистана" газеталари таҳририяти жамоаси болалар шоири, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

**Қамбар ЎТАЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинларига чуқур таъзия изхор этади.

**Республика таълим маркази раҳбарияти ва жамоаси марказнинг бош методисти Замира Жўраевага ақаси**

**Олим Жўраевнинг** вафоти муносабати билан таъзия изхор этади.

## Манфитлик хофиз ҳақида

Инсоннинг сўзига, сўзига қараб ўзига баҳо берилишида катта ҳикмат бор. Қодирберган хожи Жумамурод ўғлининг яқинда чоп этилган "Манфитлик хофиз" номли ҳужжатли қиссасида ҳам айнан шу масала назарда тутилган, дейиш мумкин. Асарда Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Назир қори Раҳимовнинг элга айтар сўзи — дилторти куй-қўшиқлари, баҳшиёна ижро услуби, ҳаёти ва ижод йўли мисолида санъаткор сиймосини ичдан нурлантирган куч — инсонийлик сифатлари алоҳида ургу берилди.

Муаллиф қаҳрамонининг санъат билан нурфшон умр йўлига оид жуда кўп материал йиққанлиги қиссадёқ сезилиб туради. Лекин у хофиз тўғрисида кўрган-билганлари, топган-тутганларининг барчасини китобга тикиштириш ёки қуруқ қайд қилишга изн бермайди. Балки ўзи тўплаган ҳар бир манбадан санъаткор сийратининг бирор жиҳатини очишга хизмат қиладиганларининггина чертиб-чертиб қаламга олади. Асосий эътиборини санъаткорнинг ҳаёт ва ижод йўлини ёшлар учун чинакам "маънавий-маърифий тарбия мактаби даражасидаги ибратга сазовор фойдалилик, инсонийлик йўли" сифатида эътироф этишга қаратади.

Ўқувчига Назир қорини етук санъаткор, ўз мактабини ярата олган бастакор, бетакор созанда, ғазалнавис шоир сифатида таништирар экан, кўзи ожиз бўла туриб, бу даражага эришганидан ҳайратини яширмайди. "Хофиз, — деб ёзади у, — бундайин серқирра, машаққатли ижод маҳсуллари ўз метин бардоши, матонати силсиласида тоблан-



### Taqriz

ган мислсиз ихлос ва иштиқидан олдимикан?"

Санъаткор сурати ва сийратини белгилашда ўз кузатишларигагина суюниб қолмасдан Аҳмад бахши Матназаров, Комилжон Отаниёзов, Ҳайитбой боломончи Ёқубов, Отажон Худойшуқуров билан муносабатларига ҳам тўхталади. Шунингдек, "Учкун" ашула ва рақс халқ ансамблида бирга ишлаган Ражаббой Бобожонова, Норгул Аллабергенова, Усмон Аҳмедов, Матвафо Мирзаев, Амин Расулов, Саидабдулла Исмоилов, Ибодулла Ҳабибуллаев, Зарифбой Собиров, Мирза Нурматов, Тўлибой Йўлдошевнинг фикр-мулоҳазаларига ҳам таянади. Қиссада ўрни-ўрни билан Фаридиддин Аттот, Саъдий Шерозий, Абулқосим Фирдавсий, Алишер Навоий, Заҳриддин Мухаммад Бо-

бурнинг сўз ва санъатининг инсон ҳаётидаги ўрни, устоз-шоғирд аънаналари ҳақидаги қарашларидан намуналар келтирилди Назир қори Раҳимовнинг инсон ва санъаткор сифатидаги тимсолини тўлароқ гавдалантиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, қисса қаҳрамони билан узоқ йиллар ҳамкорлик қилган Соатбой Бегимов, Мухаммадсоли Машарипов, Турсунбой Абдуллаевнинг хотиралари ҳам ёшлар учун тарбиявий ўғит вазифасини ўташи шубҳасиз.

Китобнинг "Кунлардан бир кун Назир қори (улуг хофиз ҳаётидан баъзи қайдлар)" қисмида санъаткор ҳаётидан олинган ҳазилнамо хангомалар нимтабассум билан ўқилади. Қалтис вазиятлардаги топқирлиги, хозиржавоблиги, чуқур мантиққа асосланган мулоҳазаларининг беғарзлиги, суҳбатдошига зийраклик ва ички маданият билан муносабатда бўлиши у кишининг шахсияти, маънавияти, дунёқараши, тутими тўғрисида аниқ хулоса чиқаришга имкон беради.

Сафо МАТЧОНОВ,  
профессор



Бугун ахборот майдони тезкор эканидан ташқари, чалғитувчи воситаларга ҳам бой. Ана шундай бир маҳалда ўғил-қизларнинг китоб ўқишга, хусусан, чет тилларни ўрганишга иштиёқини ошириш масъулиятли вазифадир. Жонқуяр устоз, инглиз тили бўйича мутахассис Фаҳриддин Раҳимовнинг "English grammar in practice" ўқув қўлланмаси учинчи бор нашрдан чиқди.

Ушбу қўлланманиннг аҳамиятли жиҳатла-

## «English grammar in practice»

учинчи бор нашрдан чиқди

ридан бири шуки, инглиз тилида энг кўп фойдаланиладиган нотўғри тусланувчи 370 та феъл алоҳида ажратиб кўрсатилган. Бошқа тил ўргатувчи қўлланмаларда бу каби тусланувчи феъллар сони уч юзта деб келтирилади ва улар деярли бир-биридан кўчирилган.

Ушбу қўлланманинг яна бир афзаллиги, олдчилари ўқитувчи ва абитуриентлар бирор тест ёки вариант ишламоқчи бўлса, қоидаларни қидириб топиш учун қўлаб адабиёт ва қўлланмаларни varaқлашига тўғри келарди. "English grammar in practice" қўлланмаси эса барча қоидаларни ўзида жамлаган бўлиб, бу тил ўрганувчи учун қулайлик яратади. Шунингдек, мазкур китобда қоидалар ўзбек тилида бўлгани боис ўқувчи уларни тўлиқ тушуниши, қоидалар

бўлади. Бадий матн ҳар доим акс эттирилган реалликдир, ammo бу ифодаланиш фақат ишонарли, аниқ "миллий ўлчамларда" содир бўлади. Хорижлик китобхон учун муайян бир миллатга хос ва шу миллат вақилларининг аксарияти ўзлаштирган ижтимоий-маданий маълумотлар мумкин. Тадқиқотчиларнинг ушбу маълумотларни таржимада бериши, таржима ўзга маданият вакиллари ҳамда юртдошларимиз томонидан амалга оширилганда маданий маконнинг қайта яратилиши ва инъикоси масалала-

## Ўзбек маданий сценарийси

бадий адабиёт сўз санъати сифатида эзгулик ва ҳақиқат, рост ва ёлгон, ватанпарварлик, она заминга муносабат сингари азаллий тушунчаларни ўзида мужассам этади. Монография муаллифлари шу жиҳатдан ўзбек тилида яратилган аксар насрий асарларни (ўзлари учун мумкин томони мавжуд ҳолда) тасниф қилишган. Бунда ижодкорнинг шахси, дунёқараши ва унда келатган ментал жараёнларга алоҳида ургу берилган. Натijaда, энг майда мисоллар ёрдамида серқирра ўзбек маданий сценарийси моҳиятини очишга, англашга эришилган.

Муаллифларнинг фикрича, қаҳрамонлар менталитетини намоён қилувчи вазиятлар таҳлили миллий табиатини англаш учун ниҳоятда мумкин. Бадий асарда бу ҳол бевосита образлар контекстида кенг намоён

ри талқини ҳам алоҳида эътиборга молик.

Монография тузилиши жиҳатдан ўзига хос. Уч бобдан иборат асарнинг ҳар бир боби алоҳида мазмунга эга. Биринчи бобда ўзбек маданиятининг этник ўзига хос концептлари талқини ўрганилган бўлса, иккинчи бобда нутқимиз бетакорлиги, маросимларимиз, вақт ва макон талқини, маҳалла қабила ўрганилади. Кейинги бобда эса, ўзбекча тушунчалар соҳаси ва идиомалар талқини берилган. Дастлабки бобларда бу жиҳатдан қўлаб асарлар таҳлилга эътибор қаратилган бўлса, сўнги бобда Ўткир Ҳошимов, Тоғай Мурод ва Мурод Мухаммад Дўст асарлари, рус тилида ижод қилувчи бир қатор ёзувчиларнинг образлари олами талқин этилади.

Самарқандлик олимлар томонидан яратилган мазкур асар бадий насримиз мисолида миллий ўзига хослигимизни ўзга миллат вақилларига англаш, талқин ва тарғиб этиш борасида ташланган дадил қадам, десак янглишмаймиз.

Эшқобил ВАЛИ,  
СамДЧТИ АРМ директори

бўйича келтирилган машқларни бажариб ўз билимини мустаҳкамлаши мумкин.

Муаллиф мазкур қўлланмада мавзулар ва қоидаларда тил ўрганиш учун мумкин қўшимчаларни ўзига хос изоҳлайди. Масалан, одатда, аксар тил ўргатувчи репетиторлар *want* (*хоҳламоқ*) феълидан сўнг келувчи сўз ҳамisha инфинитив шаклда қўлланилади, деган фикрни олға суришлади. Бирок ушбу китобда "хоҳламоқ" феълидан сўнг *gerund* ёки *сифатдош II* қўлланиладиган ўринлар ҳам борлиги айтиб ўтилган ҳамда мисоллар билан ифодаланган.

Шунингдек, қўлланмада **if** ҳамда **whether** боғловчиси ҳеч бир истиқносиз ўрин алма-

## Ўқитувчига амалий ёрдам

Адабиёт ўқитиш таълимнинг қайси босқичида бўлишидан қатъи назар, ўқитувчи учун ҳам, ўқувчи учун ҳам энг мураккаб ва масъулиятли фаолият турларидан бири ҳисобланади. Айниқса, ҳазрат Навоий асарларини ўрганиш.

Навоий асарларининг тили нафақат бугунги ўқувчилар, балки ўқитувчилар учун ҳам анча мураккаб эканини рад этиб бўлмайди. Адабиёт ўқитиш методикаси илмида бу соҳада тадқиқот ишларини олиб борган мутахассислар кўп эмас. Тўғри, улуг мутафаккир бобомиз асарларини турли нуқтаи назардан тадқиқ қилаётган филолог-мутахассислар талайгина. Лекин бу асарларни мактабда ўрганиш, ўқувчиларни мумтоз адабиёт намуналари моҳиятига олиб кириш ўзига хос ёндашувни талаб қилади. Педагогика фанлари номзоди Махсуда Сарибоевнинг "Алишер Навоий эпик асарларини интерфаол усулларда ўрганиш" монографияси бу борада алоҳида эътирофга сазовор.

Монографияда, аввало, интерфаол методларнинг хусусиятлари, улардан Алишер Навоий асарларини ўрганишда фойдаланиш йўллари хусусида назарий хулоса ва амалий тавсиялар берилган. Шунингдек, интерфаол методларнинг моҳияти, педагогик зарурияти ва таълим самарадорлигини оширишдаги ўрни ҳақида сўз юритилиб, ҳар қандай таълим учун тўғри жавобни топиш эмас, балки ўқувчиларнинг шу йўлдаги изланишлари мумкин эканига таянган конструктив педагогика — интерфаол усулларнинг илмий-назарий асоси экани атрафлича изоҳланган.

Мумтоз адабиёт намуналарини интерфаол усулларда ўқиган ўқувчилар фаолиятини янгилаш усулида баҳолаш йўллари тадқиқ этган муаллиф мазкур усулларни мактаб адабиёт машғулотида қўллаш юзасидан оригинал методик ишланмалар бера олган.

Махсуда Сарибоевнинг "Алишер Навоий эпик асарларини интерфаол усулларда ўрганиш" монографияси умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунара коллежлари ўқитувчилари учун зарур қўлланма бўлишига шубҳа йўқ.

Қундузхон ҲУСАНБОУВА

Бахтиёр ОМОНОВ,  
Қўқон давлат педагогика институтининг ўқитувчиси

2016-yil 3-avgust, № 62 (8919)

# Кураш — миллий ифтихоримиз

**Миллий матбуот марказида "Кураш — миллий ифтихоримиз" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган анжуманда вазирлик мутасаддилари, Халқаро кураш ассоциацияси вакиллари, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти профессор-ўқитувчилари, танikli мураббийлар, юқори натижаларга эришган спортчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.**

Тадбирда мустақиллик йилларида миллий курашимизнинг қайта тиклангани, обрўси ошгани, дунё микёсида эътироф этилаётгани, жаҳоннинг кўплаб давлатларида халқаро турнирлар ташкил этиб келинаётгани алоҳида таъкидланди.

— Узоқ йиллик тарихга эга миллий курашимизнинг нафақат юртимизда ривож топаётгани, балки жаҳон жамоатчилиги томонидан ҳам эътироф эти-

лаётгани бизни қувонтиради, — дейди Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Муродбой Дусумбетов. — Шунингдек, курашчиларимизнинг китба ва жаҳон биринчиликларидаги иштироки ҳам тахсинга сазовор. Ўтган йили Эронда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида 73 кг вазн тоифасида терма жамоамиз аъзоси Давлат Абраев олтин медални қўлга киритди ва Халқаро кураш ассоциацияси томонидан "Йилнинг энг яхши курашчиси" деб топилди. Айни пайтда терма жамоа аъзолари билан ёшлар ва катталар ўртасидаги халқаро мусобақаларга қизгин тайёргарлик кўрмоқдамиз. Уйлайманки, спортчиларимиз бу беллашуларда ҳам муносиб иштирок этади.

Анжуманда оммавий ахборот воситалари ходимларини қизиқтирган саволларга мутасаддилар томонидан жавоб қайтарилди.

**Сардор МУСТАҒОБОВ,**  
**ЎзДЖТУ талабаси**



## МЕССИ ҲИНАМАСА БОШҚА ҲИНА...

Аргентина терма жамоасининг янги бош мураббийи Эдгардо Бауса ҳам «Барселона» клуби ҳужумчиси Лионель Мессини қароридан қайтаришга кўндирилмаслигини таъкидлади, дея хабар берди «Ole» нашри.

Хабарингиз бор, Месси 27 июнь куни Аргентина терма жамоаси Америка кубоги финалида Чили терма жамоасига пенальтилар сериясида мағлубиятга учираб (2:4), бош совринни бой бергач, мамлакат терма жамоаси либосини бошқа киймаслиги ҳақида маълум қилганди.

— Агар Месси ўз сўзида туриб олса Аргентина учун бошқа Ҳинамайди. Мен унинг ўрнини тўлдирдиган футболчи топаман. Ахир футбол жамоавий Ҳин, — дейди Бауса.

## ЖАРОҲАТ ПАНД БЕРДИ

**Хотин-қизлар теннис ассоциацияси рейтингиде 11-поғонада тurgан словакиялик спортчи Доминика Цибулкова кутулмаганда олган жароҳати туфайли «Rio-2016» га боролмаслиги ҳақида «Sport.ru» манбасида ёзилди.**

Канаданинг Монреал шаҳрида ўтган халқаро турнирдан кейин ўтказилган тиббий кўриқ хулосасига кўра, 27 ёшли ракеткачининг ўнг оёғида зотилжам аломати қайд этилган. Мазкур касаллик спортчининг келгуси фаолияти учун хавfli бўлиб, даволанишга камида 7—10 кун талаб этилади. Шу бонс Доминика олимпиадагача тузалишга улгурмайди.

XXXI ёзги олимпиада 5—21 август кунлари бўлиб ўтади.

## ЕТТИНЧИ БОР ҲИНОЯ КИЛДИ

**79,4 кг.гача бўлган вазн тоифасида ингиза чиққан канадалик боксчи Адонис Стивенсон қаторасига еттинчи марта ўз чемпионлик камарини муносиб Ҳиноя килди.**

«ТАСС»да келтирилишича, Канаданинг Квебек шаҳрида америкалик даъвогар Томас Уильямсга қарши кечган 12 раундга мўлжалланган жанг атмиги тўрт раунд давом этган, холос. Боиси, Адонис рақибини муддатидан олдин нокаутга учратди.

Айни дамда 38 ёшли А.Стивенсон Ҳисобида 28 галаба (23 нокаут) ва бир мағлубият бор. Ундан 10 ёш кичик Уильямс эса 27 галаба ёнига иккинчи мағлубиятини қўшиб қўйди.

## ЯНГИ САҲИФА ОЧМОҚЧИ

**Чангида трамплиндан сакраш бўйича икки қара жаҳон чемпиони, норвегиялик Руне Вельта 27 ёшида профессионал спортчилик фаолиятини якунлаши ҳақида маълум қилди.**

Мамлакат спорт федерацияси матбуот хизмати сайтида берилишича, Руненнинг мазкур қарорга келиши унда икки иштиёқ йўқолиб бораётгани билан изоҳланган.

— Профессонал спортда мунтазам мотивация талаб этилади, — дейди Вельта. — Сўнги пайтлар мусобақаларда менга галабага бўлган иштиёқ етишмаётганини сездим. Бу ҳолат ҳазимда янги саҳифа очиш лозимлигини англатади. Назаримда, спортчиликда қўзлаган маррамга эришдим.

Руне 2015 йили жаҳон чемпионатида жамоавий ва яқкалик бахсларида зафар қўнган.

## ХЭМИЛТОН — ҲАМО ПЕШҚАДАМ

**«Формула-1» мусобақасида муваффақиятли катнашиб келаётган британиялик пойгачи Люис Хэмилтон «Mercedes» жамоаси тарихида Германия Гран-присида зафар кучди, деб ёзди «Лента».**

Июль ойи якунида бўлиб ўтган нуфузли кимўзарда иккинчи ўринни австралиялик спортчи, «Red Bull» клуби вакили Даниэль Риккьярдо қўлга киритди. Унинг жамоадoshi, голландиялик Макс Ферстаппенга эса учинчи ўрин насиб этди.

Шу тариха Хэмилтон умумий Ҳисобдаги етакчилики ҳам янада мустаҳкамлади. «Mercedes» клубининг бошқа пойгачиси Нико Росберг эса иккинчи ўринда бормоқда. Риккьярдо эса кучли учликда қайд этилган.

Навбатдаги Гран-при Бельгияда 26—28 августда бўлади.

**Барчино ПАРДАЕВА тайёрлади.**

# «Ёз – 2016» мусобақалари

ҳам спорт, ҳам дўстлик байрамига айланди

**Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг ёзги таътил мавсуми мазмунли ўтишини таъминлаш, оромгоҳларга жалб этилмаган ўғил-қизларнинг спорт билан шуғулланишини ташкил этиш каби эзгу мақсадларни кўзлаб ўтказилаётган «Ёз–2016» спорт мусобақалари Жиззах вилоятида ҳам қизгин кечмоқда.**

Вилоятдаги барча туман(шаҳар)ларда мусобақанинг ҳудудий саралаш босқичи бўлиб ўтди. Жиззах шаҳридаги 19-умумтаълим мактаби ўйингоҳи ва спорт зали болалар билан гажум. Бу ерда ҳар куни машғулот ўтказаятган ўқувчиларни учратиш мумкин. «Ёз–2016» спорт мусобақаларининг шаҳар босқичи беллашуларига мезбонлик қилаётган мазкур таълим маскани замонавий спорт анжомлари билан таъминланган.

Мусобақада 1—4-синф ўқувчилари стол тенниси, энгил атлетика, сузиш ва бадий гимнастика бўйича ўзаро куч синашди. Бошланғич синф ўқувчилари ака ва опаларидан қолишмасликларини амалда исботлади. Қўлга киритилган натижалардан ҳам буни билиш мумкин. 19-умумтаълим мактаби жамоаси шаҳар босқичида энгил атлетика ва стол теннисидан 3-ўрин, сузишдан 1-ўринни қўлга киритди.

— Ёзги таътил кунларини мазмунли ўтказиш учун тадбирлар режасини ишлаб чиққанмиз, — деди 19-умумтаълим мактаби директори Туроб Йўлдошев. — Режага асосан фан ва спорт тўғрисидаги мунтазам фаолият олиб боради. Ўқувчиларимизни муваффақиятлар сари руҳлантиришда машкур спортчилар, мураббийлар билан учрашулар қўл келмоқда. Шогирдларимиз «Ёз–2016» спорт

мусобақаларининг вилоят босқичида ҳам туманимиз, қолаверса, мактабимиз шаънини муносиб Ҳимоя қилади, деган умиддамиз.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, мазкур беллашуларда Жиззах шаҳридаги мавжуд 28та умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқувчилари 7 ҳудудда ўзаро беллашди. Мазкур мусобақанинг ўзи 500 нафардан кўпроқ спортга ошно ўқувчиларни қамраб олди. Айни кунда 5–8-синф ўқувчилари волейбол, баскетбол, гандбол, сузиш, стол тенниси, бадий гимнастика, энгил атлетика, бадминтон ва шахмат бўйича ўз имкониятларини синовдан ўтказмоқда.

— Мусобақада қандай натижа қайд этилса ҳам биз, спортсевар болалар бу беллашулардан завқ олдик, — дейди 29-умумтаълим мактаби ўқувчиси Фотима Пўлатова. — Чунки бу беллашуларда кўплаб дўстлар орттирдик, улар билан ўзимиз қизиққан мавзуларда суҳбатлашдик, фикрлашдик. Қолаверса, спорт билан шуғулланиб, саломатлигимизни мунтазам равишда мустаҳкамлаб бормоқдамиз. Бўш вақтимиз ҳам мазмунли, ҳам фойдалли ўтапти.

**А.СОДИҚОВ,**  
**«Ma'rifat» мухбири**

# Аёллар — жамият гултожи

улар, албатта, спорт билан шуғулланиши лозим

**Бугун аёлларнинг саломатлигини муҳофазалаш, уларнинг жамиятдан ўз муносиб ўрнини топишига, ҳуқуқ ва манфаатларини Ҳимоя қилишига давлат сиёсати даражасида эътибор берилаётир. Мақсад — соғлом авлодни дунёга келтириш, миллиат генофондини яхшилаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялашдир.**

Жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш аёллар саломатлигини мустаҳкамлашнинг асосий омили Ҳисобланади. Спорт ва саломатлик бир-бирига уйғун тушунчалардир. Юртимизда оилавий спортни, хусусан, аёллар ва болалар спортини ривожлантириш, аҳолининг тиббий саводхонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Ёш авлоднинг жисмонан бақувват, руҳан тетик, маънан етук бўлиши учун ҳар бир оилага жисмоний маданият олиб кириш ана шу саъй-ҳаракатлар мазмунини ташкил этади. Табиийки, бу жараёнда оилада ҳам она, ҳам бека, ҳам тарбиячи вазифасини бажарувчи аёлларга улкан масъулият юкланади. Улар жисмоний маданият ва тиббий билимларга эга бўлсагина фарзандини спортга қизиқтира олади, соғлом турмуш тарзига амал қилиш ва атрофмуҳит тозаллигига эътибор беришга ундайди.

Шу маънода, оилада жисмоний ва тиббий маданиятни шакллантиришда аёллар, яъни оналар куйиндагиларга эътибор беришлари керак: биринчидан, соғлом турмуш тарзининг барча тамойилларига риоя этиш, яъни жисмоний ҳаракат, тўғри овқатланиш рационига амал қилиш, қулай кун тартиби, шахсий ва умумий гигиена қоидаларини ҳаёт тарзига айлантириш, тана ва иродани чинқитириш; иккинчидан, буюк олим ва алломаларимизнинг «Ҳаракат — жон озиғи», «Из-

зат тиласанг, кўп дема, сиҳат тиласанг, кўп ема», «Агар ҳавода чанг ва гўбор бўлмаса, инсон минг йил яшарди» каби ҳикमतларини ёшлар онгига сингдириш, маънавий дунёқарашини бойитиш, иззат-ҳурмат тушунчаларини шакллантириш; учинчидан, жисмоний тарбия ва спорт, саломатлик билан боғлиқ миллий қадриятлар, халқ аъналарини (миллий ҳаракатли ўйинлар, таомлар тайёрлаш бўйича беллашулар, атрофмуҳит тозаллиги учун ҳашарлар

ташкил этиш) ёшлар ўртасида тарғиб қилиш, сандоқат ва ватанпарварлик туйғуларини ўстириш. Кўриниб турибдики, бу каби чора-тадбирларни амалга оширишда оиланинг, қолаверса, асосий вақти уй юмушлари ва болалар тарбияси билан ўтадиган аёлларимизнинг ўрни катта. Улар фаол бўлса, маънавиятни Ҳис қилса ҳар бир оилада жисмоний ва тиббий маданият шаклланади, болаларимиз дурхун бўлиб улғаяди.

Дарвоқе, мутахассисларнинг фикрича, инсон саломатлигининг 55 фоизи соғлом турмуш тарзига бевосита боғлиқ экан. Демак, чиндан ҳам, оилада тиббий маданиятни шакллантириш, аҳолининг бу борадаги билим ва малакасини ошириш, айнақса, болалиқдан тўғри овқатланиш ва жисмоний фаолиятни кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Қолаверса, таълим муассасаларида фаолият юритаётган «Ёш оила мактаби», «Оила психологияси», «Соғлом турмуш тарзи» каби кўплаб махсус курслар ва ўқув машғулотлари ҳам шубҳасиз, ўқувчи-ёшларимизни ҳаётга тайёрлашда муҳим омил бўлиб Ҳизмат қилади.

**Ханифа БЕГИЖОНОВА**

*Сурхондарё вилояти*



## Mulohaza

## Vatanimiz mustaqilligining 25 yilligiga



# G'uzal va betakror Vatanga ehtirom

*Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб «Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» ишори остида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.*



Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан хотин-қизлар кўмитаси, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими, Маънавий тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирга Миробод ва Учтепа туманларидаги маҳаллалар, хотин-қизлар кўмиталарининг фаоллари, нуруний отахон ва онахонлар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, педагоглар, ёшлар тақлиф этилди.

Президентимиз раҳнамолигида бутун дунёда «Ўзбек модели» дея тан олинган тараққиёт стратегияси асосида амалга оширилаётган ислохотлар халқимиз ҳаётини бутунлай ўзгартиргани таъкидланди. Бу барча соҳаларда улкан ютуқ ва марраларга эришилаётгани, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифати, турмуш фаровонлиги ортиб бораётганида яққол намоён бўлмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан асос солинган ўзига хос таълим-тарбия тизими ҳар томонлама баркамол авлодни voyaga етказмоқда.

— Истиқлол жонажон Ўзбекистонимиз шон-шухратини бутун жаҳонга ёйди, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Акмал Жумабоев. — Бугун ҳар бир юрдошимиз ўз тақдирини, фарзандларининг эртанги кунини, истиқболини Ватан келажаги билан ўзаро уйғун ҳолда тасаввур этмоқда. Яратилаётган имкониятларга муносиб бўлиш, тинч ва осойишта, бахтиёр кунларимизнинг, истиқлолимизнинг, унинг содатли нёъматларининг қадрига етиш бизнинг чин фарзандлик бурчимиздир.

Сўлим боғида пoytaxtimiz туманларидаги бунёдкорлик ва яратувчилик, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlik ривожини, соғлом ва баркамол авлодни voyaga етказиш, хотин-қизлар ва кексаларни эъзозлаш борасидаги ezgu ishlarni aks ettirgan ko'rgazma ташкил этилди.

Ватанини, истиқлолни, унинг азиз нёъматларини, бугунги дориломон кунларимизни тараннум этувчи куй-қўшиқлар кечага янада файз бағишлади.

**Н.УСМОНОВА,**  
ЎЗА муҳбири

Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

## Ma'rifat

TA'SIS

ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,  
O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus  
ta'lim vazirligi, O'zbekiston  
Ta'lim, fan va madaniyat  
xodimlari kasaba uyushmasi  
Respublika kengashi.

Bosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida  
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.  
Indeks: 149, 150. G-124. Tiraj 60579.

Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,  
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;  
kotihiyat — 233-99-15;  
reklama va marketing bo'limi —  
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6416



«Ma'rifat» dan  
materiallarni ko'chirib  
bosish tahririyat ruxsati  
bilan amalga oshirishi  
shart.

Tahririyatga kelgan  
qo'lyozmalar taqrib  
qilinmaydi va muallifga  
qaytarilmaydi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.  
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

O'za yakuni — 20.40 Topshirildi — 21.15

MANZILIMIZ:  
100083, Toshkent shahri,  
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.  
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:  
Timur KAYSAROV, Malohat TOSHOVA.  
Navbatchi muharrir:  
Rayhona XO'JAYEVA.  
Navbatchi:  
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

1 2 3 4 5